



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 1-oktabr, seshanba * № 33 (1145)

Ёлгон хабар (Fake news):
АХБОРОТ МАКОНИДА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!



Ёлгон-яшиқ, фиску фасод гапларни халқимиз ҳазм қилолмаган ва бундан кейин ҳам қабул қила олмайди. Вақти келиб, бу борада миллий қонунчилигимизга янгиликлар киритилар, бироқ қинғир ишнинг қийиғи, сўроғи ҳам бор. ➔ 4-бет

“ОТА ЮРТДАН КЕЛДИНГИЗМИ?”


Туркияга қилган сафаримиз давомида бу илиқ сўзларни бир неча бор эшитдик...



Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилгани, икки мамлакат раҳбарлари учрашуварларида эришилган келишувлар соҳалар ривожига муҳим омил бўлаётгани, маънавиятимиз, маданиятимиз, тилимиз яқинлиги, динимиз бирлиги муҳим аҳамият касб этади. ➔ 5-бет

У МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Бундан деярли ярим йил аввал “Ўткан кунлар” романининг инглиз тилида нашр этилиши ҳам миллатимиз, адабиётимиз тарихида муҳим воқелик бўлди. Бу йил мазкур романининг илк боблари ёзила бошлаганига роппа-роса 100 йил тўлади. ➔ 8-бет



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
 Аввало, сиз, азизларни, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилган барча педагог ходимларни ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу кутлуг айёмда барчамиз бизга илм ўргатган, ҳаёт сабоғини берган жонқуяр, фидойи ўқитувчи ва домлаларимизга чуқур ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, улуг маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: **“Авлодларингизга фақат бугунинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”**, деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Чиндан ҳам, дунё микёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ана шу ўткир ҳақиқатни ҳисобга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтардик.

Ўтган қисқа даврда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик.

Бугунги кунда сизларнинг, бутун эл-юртимизнинг қизгин қўллаб-қувватлаши билан **мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.**

Буюк алломаларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, “Темурбеклар мактаблари”, Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айни шу мақсадга хизмат қилади.

Бу борада умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг тасдиғини сўнгги икки йилда 238 та янги мактаб барпо этилганида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, 2010-2016 йилларда бу соҳага етарли эътибор берилмагани туфайли 99 та мактаб ёпилган эди.

Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда мактабларга 2017 йилга нисбатан 81 фоиздан зиёд маблағ ажратилди.

Ўртимизда боғча, мактаб ва олий таълим тизимида ишлаётган тарбиячилар, ўқитувчи ва домлалар меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг иш ҳақини, жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, ўқитувчилар таркибини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Биз таълим-тарбия масаласига комплекс ёндашган ҳолда, боғча таълими билан бирга олий таълим тизимини ҳам узвий ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Шу мақсадда мамлакатимизда мактабгача таълим ҳамда олий таълимни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди ва шу асосда туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кейинги икки йилда мамлакатимизда 35 та, жумладан, 13 та хорижий олий ўқув юрти ташкил этилди. Юздан ортик янги бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда 94 та магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил бурунги 9 фоиздан 20 фоизга ошди. Биз яқин келажақда бу кўрсаткични 25 фоизга етказишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Яратилаётган имкониятлар туфайли Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шўратини бутун дунёга тараннум этмоқда.

Куни кеча Россиянинг Екатеринбург шаҳрида дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан моҳир спортчилар иштирок этган бокс бўйича жаҳон чемпионатида миллий жамоамиз вакиллари юксак азму шижоат ва маҳорат намунасини кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллагани барчамизни қувонтириб, гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бундай улкан ютуқларни биз аввало сизлар каби фидойи устоз-мураббийларнинг фидокорона меҳнати натижаси сифатида қабул қиламиз.

Қадрли юртдошлар!
 Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги шиддатли замон барча соҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини ривожлантириш бўйича ҳам олдимиизга гоят муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Давоми 2-бетда.

➔ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Жонибер КЎЗИМУРОДОВ (ЎЗА) олган сурат.

Шарафли касб соҳибаси

Дилбар Абдуллаева ёш авлодга илм-фан сирларини пухта ўргатаётган шарафли касб эгаларидан.

Муаллима Термиз шаҳридаги 12-умумтаълим мактабда география фанидан сабоқ беради. Ёш педагоглар таълим жараёнида илғор педагогик усулларни қўллаш бўйича унинг тажрибасидан унумли фойдаланади.

— Кейинги йилларда таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар самарасида ёшлар замон талаблари асосида пухта билим эгалламоқда, — дейди Халқ таълими аълочиси Дилбар Абдуллаева. — 23 август куни давлатимиз раҳбари раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йўналишида ўқитувчиларнинг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай юксак эътибор бизни руҳлантириш баробарида янада изланишга ундамоқда.

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

“UzAuto Motors” ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида эълон қилинган акциядаги автомобиллар моделлари қаторига “Chevrolet Nexia” ва “Chevrolet Cobalt” машиналарини ҳам қўшди.

Акция доирасида умумтаълим, ўрта-маҳсус ва олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ушбу моделдаги автомобилларни — 60 фоиз олдидан тўлаб, қолган суммани 1 йил давомида фозисиз тўлаб бориш шартлари асосида харид қилиши мумкин. Автомобилни гаровга қўйиш ҳамда ҳаттардан суғурталаш ҳам мазкур акциянинг асосий шартларидан бири саналади.

ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНА

Наманган шаҳрида нишонланган Бутунжаҳон туризм кунида (27 сентябрда) маҳаллий меҳмонхоналардан бири ишга туширилди. Шаҳар марказида қад ростлаган «Grand Sherdog» butik-отели мамлакатимиздаги шу тонфадаги меҳмонхоналардан учинчиси бўлди.

95 ўринга мўлжалланган ушбу меҳмонхона замонавий тилда жиҳозланган, бир-бирини такрорламайдиган 60 та хонадан иборат. Бу ерда йилга 20 минг нафар меҳмонга юқори сифатли хизмат кўрсатилади.

Очилиш маросимида иштирок этган Наманган шаҳар ҳокими Шавкатжон Абдуразоқовнинг таъкидлашича, вилоят марказида яна 12 та меҳмонхона қурилиши кўзда тутилган. Ҳа, Наманганга келаётган хорижий меҳмонлар, инвесторлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Меҳмонхоналарнинг икитаси жорий йил охирига қадар фойдаланишга топширилади.

КЕКСАЛАР ҲУКУМАТ ЭЪТИБОРИДА

Кекса авлод вакиллари жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди. Қарорга кўра, вазирилик, идора ва ҳўжалик бирлашмаларида раҳбар ўринбосарларидан бири жамоатчилик асосида кексалар масалалари учун масъул этиб белгиланади. Меҳнат жамоаларида эса пенсияга чиқиш арафасида бўлган фахрийларни тақдирлаш ва нафақага кузатиш тадбирларини ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади.

Бундан ташқари, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари тўғрисида намунавий низом тасдиқланди. Ушбу гуруҳларнинг асосий мақсади кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этишдан иборат.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури асосида кекса авлод вакиллари республика бўйлаб тарихий шаҳар ва зиёратгоҳларга саёҳати ҳам уюштирилади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБОТИ

Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Шанхай хорижий тиллар университети ҳамкорлигида “Буюк Ипақ йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Конференцияда хорижий тилларни ўрганиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш, дунё ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамжамият билан алоқаларни мустақамлаш имкониятлари, Ўзбекистонда чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛК АГРОТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Варганза қишлоғида биринчи халқаро анор агрофестивали бўлиб ўтди.

Тадбир Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича ҳукумат қарори ижросини таъминлашга қаратилган. Бу орқали бой маданий мерос ва тарихий аъёнларини сақлаш, боғдорчилик фаолияти билан шуғулланувчи намунавий маҳаллий аҳоли вакиллари қўллаб-қувватлаш, худудда агротуризмни ривожлантириш мақсади кўзда тутилган.

Фестиваль аввалида Қарши шаҳридан 120 километр узоқликда жойлашган Варганза қишлоғига Ўзбекистондаги илк агротуризм қишлоғи мақоми берилди. “Варганза” МФЙ раисига агротуризм қишлоғининг рамзий калити топширилди.

28 сентябрь куни бошланган халқаро агрофестиваль уч кун давом этди.

Ўз мухбирларимиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Давом. Бошланғич I-бета.

Албатта, ёшларимизнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак меzonлар асосида таълим-тарбия берадиган, янги, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш — бу энг оғир вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Шу маънода, **бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши**, яъни ўз устида тимисиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак.

Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбда ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.

Бизнинг барча саяё-ҳаракатларимиз **«Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак»** деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда. Бунинг учун давлат ва жамият томонидан қанча маблағ, ресурс ва имкониятлар зарур бўлса, барчасини сафарбар этамиз.

Мақталарда хоржий тилларни, ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишни такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш, ёшларни илмфан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишимиз лозим.

Профессионал таълим соҳасида бугунги меҳнат бозори ва халқаро стандартларга тўла мос келадиган бутунлай янги тизимга ўтишни жаддаллаштиришимиз керак.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, ўқитиш сифати ва педагог ходимларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган

“Замонавий мактаб” давлат дастурини амалга ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини захарлаб, уларни тўғри йўлдан олдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафқуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмоғимиз, **оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз** зарур.

Айниқса, бу вазифа барча бўғиндаги раҳбарлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, ижодкор зиёлиларимиз, диний уламолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, бутун жамиятимиз учун виждон ишига айланиши керак.

Азиз ва муҳтарам устозлар!
Бугун таълим-тарбия соҳасида, хурматли ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланмоқда. Бу даврни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, **миллий юксалишга эришиш** фақат ва фақат ўзимизга, шу йўлда ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимизга боғлиқ.

Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Сизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга сихат-саломатлик, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда катта муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти


► Сайлов — 2019

Халқ ўзининг муаммолари, дарду таъшивини кимга ишонади? Ўзи овоз берган депутатгами?.. Демак, ушбу мақомни оқлай биладиган номзодга овоз бериш лозим. Номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари эса оммавий ахборот воситалари, турли тадбирлар орқали халққа етказилади. Ушбу жараён қанчалик очиқ, шаффоф ва адолатли ўтса, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Сайлов кампанияси иш бошлади

27 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган ўқув семинарида жорий йилнинг 22 декабрида Олий Мажлис ва вакилик органларига бўлиб ўтадиган сайлов кампаниясини ёритиш билан боғлиқ амалий ва ҳуқуқий масалалар кўриб чиқилди. Унда Марказий сайлов комиссияси ва Адлия вазирлиги вакиллари журналистларга сайлов қонунчилигидаги янгиликларни ташкилий ва ҳуқуқий жараёнларга доир маърузалари орқали етказди.

Марказий сайлов комиссияси 20 сентябрь кунини сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Бу йилги кампания “Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шiori остида ўтади, — дейди Марказий сайлов комиссияси котиби, котибият мудирини Худойёр Маматов. — Нега янги Ўзбекистон? Хабарингиз бор, кейинги уч йилда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар мамлакатимиз тарққийнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегияси ва унинг махсуси сифатида маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш борасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик бошқарув органлари тубдан ислох қилиниб, мақбуллаштирилди. Бу органларга замонавий билимларни эгаллаган, турли тилларда сўзлаша оладиган ташаббускор, иқтидорли ёшлар жалб қилинмоқ-



Сўз эркинлиги, ахборот эркинлиги, хурфикрликка кенг йўл очилаётгани, бугун ҳар бир янгилик бутун мамлакат, қолангера, дунёнинг исталган бурчида етиб бормоқда. Буларнинг бари янги Ўзбекистон қиёфасини кўрсатмоқда.

Хўш, нега янги сайловлар деяпмиз? Бунга сабаб кампания демократик ислохотларнинг янги босқичида ўтаётгани, энг муҳими, халқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларнинг депутатларга, партиалар олдига қўяётган талаб ва ташаббусларида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, аввалги сайлов жараёнлари бешта қонун билан тартибга солинган бўлса, айни пайтда, тарққ ва бир-бирини инкор этадиган айрим нормалар чиқариб, эндиликда 500 га яқин норма яхлит сайлов кодексига муҳасам этилгани ҳам янги сайловлар дейилиши сабаб бўлди. Ушбу кодекс 103 моддадан иборат. Биз миллий давлатчилик тарихига эга

халқимиз. Инсонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уни қадрлашдек ўлмас қадриятларимиз ҳам ушбу кодексда ўз аксини топди.

Мамлакатимизда демократик сайловларни ўтказишда аввалги тенгсизлик принципи барҳам берилди. Аввал Экоҳаракатга берилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 квоталанган ўрин бекор қилиниб, Ўзбекистон Экологик партияси ташкил бўлди. Эндиликда бешинчи сиёсий партия сифатида жорий йилги кампанияда Қонунчилик палатасидаги 150 та депутатлик ўрнига бирдай даъвогарлик қилиши мумкин. Бундан ташқари, Экоҳаракатнинг фақат Қонунчилик палатасида вакили бўлиб, маҳаллий органларга номзод кўрсатиш имкони йўқ эди. Бундан буён Экологик партияси ҳам қолган тўртта партия билан бир хил ҳуқуқларга эга ва халқнинг ичига бемалол кириб бора олади. Гап фақат соғлом рақобатда...

Маърузачи бундан буён сайловчи овоз бериш бюллетенидаги исталган белгини танлаши мумкинлиги, яширин овоз бериш принципи бузилмаслиги учун олдиндан овоз берувчиларга ажратилган варақанинг бекор қилингани каби бир қатор янгиликлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

Х. ФАЙЗИЕВА.

► Ҳамкорлик

Дунёда бирликлар — кўп. Аммо энг буюк бирлик — тил бирлиги. Эқватлар чизигига яқин мамлакатлар амалда Ер шарининг белбоғини ташкил этади. Нима сир-синаот, билмадим-у, башарият пайдо бўлганидан буён ҳамма ана шу ўрналиққа қизиқади.

Туркий халқларнинг асл Ватани, асосан, айнан ана шу ўрналиқда жойлашган. Ер юзиде қирққа яқин туркий тилли халқ бор. Бу тилларда гаплашадиганларнинг умумий нуфузи 200 миллион кишидан ошади.

Ўзанини топган ўзлик

“Қардош” сўзининг асл шакли — “қориндош”. Бу “бир қориндан тутилган” деган маънони англатади. Қисқаришга учраб, ихчам ҳолга келган. Тилшуносликда “қардош тиллар” деган атама бир тиллар оиласининг бир тил гуруҳига кирадиган тилларга нисбатан ишлатилади. Славян тил гуруҳига кирган барча тиллар — бир-бирига қардош забонлилардир. Худди шундай, туркий тил гуруҳига кирадиган забонлар ҳам бир-бирига қардош тилли халқлардир.

Тил хусусиятларига кўра, туркийлар қуйидаги уч гуруҳга ажратилади: Биринчи гуруҳ — ўғузлар. Бунга турклар, озарбайжонлар, туркманлар, гагаузлар, қўмиқлар кирди.

Иккинчи гуруҳ — қипчоқлар. Бунга қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, татарлар, бошқирлар, чувашлар, нўғайлар кирди.

Учинчи гуруҳ — қарлук-чигиллар. Бунга уйғурлар кирди.

Хўш, нега ўзбекларимизни бу гуруҳларнинг бирортасида

ҳам санамадик? Гап шундаки, ўзбек миллати — буюк бобомиз Амир Темури таъбири билан айтганда, туркнинг бош бўғинидир. Туркий оламда адабий тилимиз минг йиллардан ошқ даврлардан буён қарлук-чигил лаҳжасига таянган ҳолда шаклланиб, тараққий этиб келган. Шунинг учун адабий тилимизни инobatта олган ҳолда, тилшуносликда ўзбек тили қарлук-чигил гуруҳига киритилади.

Фахрланадиган жойимиз яна шундаки, дунёдаги барча туркий халқлар бизга қариндош. Ўғуз, қипчоқ, қарлук-чигил лаҳжаси вакиллари бизга жуда жуда яқин ҳисобланади. Демак, биз, тимсолий қилиб айтганда, туркий оламнинг “Юраги” бўламиз.

Туркий халқлар башарият тарихида муносиб ўрин тутди.

Турк олими, профессор Умой Туркеш Гуноининг аниқлашича, туркий халқлар милoddан аввалги IV минг йилликдан ҳозирга қадар ўтган 6 минг йил мобайнида 16 буюк императорлик, юзларча катта-кичик давлат қурган. Туркиянинг кўп

шаҳарларида тарихда ҳукм сурган туркий давлатлар байроқлари ўрнатилган. Улар орасида Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Темурийлар давлатлари байроқларини кўриш ҳар қандай юртдошимиз қалбда гурури ўй-ғотади. Қорабоқ университети ҳовлисида эса турк дунёси тарихида ўтган атоқли саркардалар бюстлари бор. Улар орасида Жалолиддин Манғуберди, Амир Темури ва Заҳрирдин Муҳаммад Бобур сиймоси ҳам бор.

Бугунги кунда туркий тилли халқлар ўз ҳокимиятига эга ёки эга эмаслиги жиҳатидан қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: Туркий тилли давлатлар. Рус босқинидан кейин Ер юзиде битта туркий тилли давлат, яъни Туркиягина қолган эди. 1991 йили унинг ёнига собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан яна беш туркий тилли давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон Республикалари қўшилди.

Иккинчи гуруҳи — ўз давлатчилигига эга туркий халқлар.



Булар бошқа бир давлат субъекти сифатида ўз давлатчилигига эга. Масалан, Россия Федерацияси таркибидега Татаристон, Бошқирдистон, Олтой, Саха (Ёкутия), Тува, Хакасия Республикалари кирди. Булар бошқа давлат таркибиде ўз миллий давлатчилиги хусусиятларига эга. Модомки, шунча туркий халқ бор экан, ўз-ўзидан, “турк дунёси” деган тушунча ҳам мавжуд бўлади. Бироқ собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан туркий тилли беш давлат ўз мустақиллигига эга бўлганидан кейин Ер юзиде “туркий тилли давлатлар” деган тамоман янги бир тушунча пайдо бўлди. Яширишнинг ёки қозоғга ўраб ўтиришнинг ҳожати йўқ — дунёда қайси давлат тараққий этган бўлса, ўзаро бирлик орқасидан бунга эришилган. Жаҳон тажрибаси шунки кўрсатадики, бир тил гуруҳига мансуб халқлар ҳаммиса ўзаро биришарлига интилаверади, аммо ҳамма вақт буни истамайдиган қучлар ҳам топилаверади.

Туркий тилли давлатлар раҳбарлари биринчи саммити Туркия Республикаси Президенти Тургут Узал ташаббуси ва Ўзбекистон Республикасининг Би-

ринчи Президенти Исломи Каримовнинг қўллаб-қувватлаши асосида 1992 йилнинг 30 октябрида Анқара шаҳрида бўлиб ўтган эди. 1994 йилнинг 18 ноябрида Туркиянинг Истанбул шаҳрида иккинчи, 1995 йилнинг 28 августиде Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида учинчи, 1996 йилнинг 21 октябрида Тошкентда тўртинчи, 1998 йилнинг 9 июнида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бешинчи, 2000 йилнинг 8 мартиде Озарбайжоннинг Боку шаҳрида олтинчи, 2001 йилнинг 26 мартиде Истанбул шаҳрида еттинчи, 2006 йилнинг 17 ноябрида Туркиянинг Анталиа шаҳрида саккизинчи ва 2009 йилнинг 3 октябрида Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тўққизинчи саммитда Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгаши ташкил этилди. 2010 йилнинг 15 сентябрида Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг ўнинчи саммити ўтказилди. 2011 йилдан бошлаб эса “Туркий тилли давлатлар” Ҳамкорлик Кенгаши саммитини ўтказиш бошланди. Биринчи саммит ўша йили Олмаота шаҳрида 21 октябрда бўлиб ўтди. Иккинчи саммит 2012 йилнинг 23 августиде Бишкекда, учин-

чи саммит 2013 йилнинг 16 августиде Озарбайжоннинг Габала шаҳрида, тўртинчи саммит 2014 йилнинг 5 июнида Туркиянинг Бодрум шаҳрида, бешинчи саммит 2015 йилнинг 11 сентябрида Остонада ва олтинчи саммит 2018 йилнинг 3 сентябрида Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлди. Бир муддат мамлакатимиз бу жараёнларга қўшилмади. Бунинг турли объектив ва субъектив сабаблари бор эди, албатта.

Яқинда давлатимиз тарихида муҳим бир янгилик юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини (Нахичеван, 2009 йил, 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунини имзолади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 13 сентябрида қабул қилинган ва Сенат томонидан 2019 йил 14 сентябрида маъқулланган.

Шундай қилиб, биз эзгу жараёнга қўшилдик. Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгашининг наватбадга, яъни еттинчи саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қатнашамиз. Кенгашининг мақсади — унга аъзо давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми мақсадлари ва қатъиятлари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа тан олинган, шу жумладан, суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик ва халқаро чегараларнинг бузилмаслиги, ички ишларга аралашмаслик каби қатъият ва меъёрларига амал қилган ҳолда фаолият олиб боради. Шунинг учун Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгаши фаолиятида Ўзбекистонимизнинг ўз муносиб ўрни ва мавқеи бўлади, албатта. Бундан ҳам биз, ҳам бошқалар ютади. Ҳақиқий Ҳамкорлик дегани шундай бўлади-да.

Ўтиш керакки, 1993 йилнинг 7 декабрида Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида имзоланган битим билан “Туркской” Улуслараро турк маданияти халқаро ташкилотига, 2008 йилнинг 21 ноябрида Истанбулда имзоланган битим билан эса Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеясига асос солинди.

Ҳар мамлакатнинг ўз ҳудуди, муайян имконият ва шароитлари, Ер ости ва Ер усти бойликлари, халқи, унинг салоҳияти ва бошқа қадриятлари бўлади. Халқ ана шуларни ишга солиб, ўз тақдирини ўзи белгилайди, миллий ривожланишини турли-туман йўллариини излайди, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилади. Бунда у бир сўмини ноўрин бировга бермайди ҳам, бировнинг бир чақасига зориқмайди ҳам. Бирса, эвазига ни-мандир олади. Олса, уни, албатта, қайтаради. Аммо бир ҳақиқатни унуттишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ: ҳеч бир давлат ўз қобилигига ўралиб олиб ривожланган эмас. Тараққийнинг сирини — ўзаро ҳамкорликда.

Ўзбекистонимиз аҳолисининг нуфузи жиҳатидан туркий тилли мамлакатлар орасида Туркиядан кейин турадиган иккинчи йирик давлатдир. Туркия биринчи галда биз билан мустаҳкам бирликка эришмоқчи. Бу — амалда Марказий Осиёнинг ярми билан ҳамдамлик таъминланди, дегани. Чунки минтақамиз умумий аҳолисининг тенг ярми Ўзбекистонимизда яшайди.

Шунинг учун Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгаши фаолиятида Ўзбекистонимизнинг ўз муносиб ўрни ва мавқеи бўлади, албатта. Бундан ҳам биз, ҳам бошқалар ютади. Ҳақиқий Ҳамкорлик дегани шундай бўлади-да.

Султонмурод ОЛИМ.

Улуғ инсонлар ёди


“Тарихи Салимий” китобининг муаллифи, 1893-98 йиллар Яққабоб вилоятининг беги бўлиб турган Мирза Салимбек ҳудуднинг чегараларини таърифлар экан, унинг жануб тарафида Бобошоди, Қораёғоч амлоклари мавжудлиги, улар (қабринг нурга тўлғир) Шайх Содиқнинг марқадидан макон топанг Лангар қишлоғидан уч фарсах берида эканлигини таъкидлайди. Хотираларда келтирилишича, қишлоқдаги масжидда муборак хирак сақлангани, уни Соҳибқирон Амир Темур Суриядан келтирган ва Шайх Ансорий Самарқандийга тўхфа қилган экан.

ОКИБАТ

(Профессор Очил Тоғаевни эслаб...)

Хирқа авлоддан-авлодга ўтиб, Шайх Содиққа етиб келган ва шу жойда Мирзо Улуғбек пишиқ гийшдан масжид, хонақа, айвон қурдирган бўлиб, Самарқанддаги биноларни ҳисобга олмаганда бундай гўзал иморатлар бошқа жойда топилмайди. Шунингдек, Бек Халифа Усмоннинг ўз қўли билан кўчирган Куръоннинг жузвлари ҳам шу ерда сақланишини, ўзи ҳар ойда бу жойга ташриф буюриб, китоб ва рақларини юзига суртиб, кўз ёшлари билан кўнгли гўборларини ювиб, Оллоҳдан гуноҳларини кечиршини сўраб ибодат қилганини қайд этади. Ҳа, тоғлар орасида синоатлар кўп. Бу тафсилотларни эслашимиз сабаб эса устоз Очил Тоғаев ҳам шу маконларда таваллуд топгани боис суҳбатларимизда мазкур зиёратгоҳни кўп эслаб, уни яна бир тавоф қилишни орзулардилар. 1991 йил августдаги ёшлар сафари асносида бу жойларга қадам қўйганимни эслатганимизда мамнуният билан бош қимирлатиб қўйган эдилар. (Айни чоғлар домла умр шони кечаётган паллалар экан, буни машъум воқеа содир бўлгандан сўнг билдик Х.С.)...

Гар мен ўлсам, аҳволимни майса-гиёҳдан сўранг...
Газалдан.



Уша қулларга ҳам қарийб ўттиз йил бўлапти. Устознинг фоний дунёни тарк этгандан кейинги давр ижтимоий ҳаётда ҳам, фикрлар оқимида ҳам бухронли йиллар бўлди. Одам кескин бурилиш паллаларида, янги аъмолнинг истиқболига пешвоз чиқаётганида ҳаётдаги чўнг қадриятларга тез-тез мурожаат этиб турар экан. Шу йиллар давомида домланинг шогирдлари ҳам унинг сабоқларини бот-бот эслаб, насиҳатларини ҳаёбан тақрорлаб, унга ғойибона мурожаат қилганлари, мураккаб масалаларда “Шундай ҳолатда Очил Тоғаев қандай йўл тутар эди?” тарзида мулоҳаза ирилганлари ҳам рост чиқар. Нима бўлганда ҳам ҳамкасблар билан суҳбатларда бу эъзозли номнинг тилдан тушмагани, ҳатто “Биз ҳаммамиз Очил Тоғаевнинг шинелидан чиққанмиз” тарзидаги эътирофлар қулоққа чалиниб тургани ҳам айни ҳақиқат.

Шу қаторда журналистика факультетининг талабалари бир вақтлар “Маъруза ўқиш — менинг жони дилим” дея ҳали теша тегмаган янгиликлар, қаймоқ фикрлар билан дорилфунгуна шоган муаллимнинг исми-шарифини унутишга ҳам улгурдилар — авлодлар янгилашни рўй берди, аммо муносабатларда ҳам чандик бўлиб қолган ўринлар ҳамон кимларнингдир юрагида яшаётган эканми, унинг фотосуратини хотира тахтасида қўйишга ҳам ҳимматлари етмади, аксинча, тушувларнинг кўринмас иплари ҳамон кимларнидир домига тортаётгани билан бир тараф, дейишади. Ҳаёт шундай тузилган экан-да, бир нарсая дея олмайсан. Фақат шу соҳани қисмат деб билганлар, ҳаётининг мазмунини журналистика билан боғланганлар эзгу амалларини ёдга оладилар, ўша кунлар шуқуддан мазмун, таскин излайдилар. Худди одамлар оқимида ўхшаб қарама-қарши йўналишлар. Нима бўлганда ҳам ҳаётнинг шафқатсиз синовларидан фақат асл ҳақиқатлар омон чиқар, яшаб қолар экан. Мансаб имтиёзлари, унвонларнинг ялтир-олтирлари, ҳушмадўйларнинг илтифотлари шамолдан кейинги хаскапа сингари тўзиб, фақат инсоннинг шахсиятини беэзаб турадиган боқий фазилатлари, ўзига хос жиҳатлари яшаб қоларкан. Эътиборни тортадиган томони — ана шу имтиҳондан устоз хотираси шафқат билан ўтди, дея оламиз.

Нафислабмирини айтганда, Очил Тоғаевдек мураккаб (ўша пайтларда ўтган асрнинг 70-90 йиллари ўз нуқтаси назарига, дунёқарашига эга, эътиқодли, умумий хорга қўшилиб, “бахтли ҳаёт симфонияси”ни қуйламаганларни шундай аташган Х.С.) одамларни давр ҳам, атрофдаги замондошлари ҳам тушиниши қийин бўлган. Мана, йиллар ўтиб, кўп нарсаларнинг юзидан нарда кўтарилди. Энди мубоҳ-

Ўжар далиллар яна сўзлайдики, Очил Тоғаев Қашқадарё вилоятидан етишиб чиққан биринчи фан доктори бўлган экан. Вилоятда у зотнинг шарафига катта тадбир уюштирилган ва унда олимнинг фандаги бу жасоратини улуғлаб, кейинги ўн (балки эллик) йилларда Қашқадарёда иккита улкан воқеа рўй берди; бири асрлар оша қақраб ётган Қарши чўлларига сувнинг келиши ва иккинчиси Очил Тоғаевнинг Москва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши, деб эътироф этилган экан.

жаримасини умри ҳисобидан тўлади: айни иқболи қулаётган, тафаккури Сукротона тўлишган бир паллада ҳаётни тарк этди...

Энди ўйлаб қарасак, устознинг бўйи ўша даврдаги замондошлари билан солиштирганда, кўзга ташланадиган даражада экан. У соҳасини чўқур билар, ҳақиқий етук олимларга хос хислатларни ўзида сингдира олганди. Биз сезган бир фазилати — ҳар бир масалада ўзининг муносабати, ёндашуви бор эди. Далилларни тасуриқ қайд этиб ўтмас, балки уларни қўриқиб, ёрқин ҳислатларни чикардиди. Далилларни жой-жойида қўйлаш санъати — мантиқни ифодалашда асосий ва ёрдамчи (қўшимча) маълумотларни ажрата олиш, уларни тадрижий қўллаш ва шу орқали масаланинг қўриқилиши маъхум ёки тушунарли бўлган кирраларини очиб (кашф этиб) кўрсатиш сингари нодир истеъдодга эришган эди устоз. Шу туфайли унинг маърузалари қизиқарли бўлар, тингловчиларга ёрқин кайфият улашарди. Гўёки устоз тингловчиларни номъалум ва ажойиб мамлакатга бошлаб борар, унинг йўлидан адашмай ўтиб, ҳамроҳларига юртнинг жами гўзалликларини кўрсатиб, уларнинг олқиниши оларди. (Афсуски, қайси юртга тушиб қолганини билмайдиган ёки биринчи қадамданок адашиб кетадиган йўлбошловчилар ҳам учрайди.)

Ана шундай йирик шахсни талотўп замонларда тушиниш осон эмасди. Бундай англашилмовчиликлар яқин йилларгача давом этиб келмоқда. Масалан, машҳур шоир Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеърига баҳо беришда домлани “санъат асарини тушунамаслик”да айблашди. Афсуски, шоирнинг ўзи ҳам шу тушунча билан кетди. Холбуки, баҳса сабаб бўлган “Севги ва садоқат” мақоласи (“Гулистон” журнали, 1983 йил, №8)да ёш адабиётчининг саволига жавоб бериб, “Ёлғизлик ҳаётини номукамал умр кечириниш. Бу ҳол ижтимоий фаолликнинг ҳам номукамаллиги демакдир (Хато шу жойда, аслида бу шахсий фикр; холбуки, ёлғиз умр кечириб, ҳаётда ўчмас из қолдирган шахслар ҳам кўп бўлиб топилди. Бу ҳол баъзиларнинг одатдаги турмуш тарзига айлиниб бормоқда. Х.С.). Ҳаётда оз бўлса-да учраб турадиган бу ҳодиса зоҳидлик, тарқидунёчилик деб аталган эски диний ақидаларни эсга туширади” деб қайд этади. “Аёл” шеъри ҳақида эса: “Абдулла Ориповнинг, умуман, аёл садоқатини улуғлаши таҳсинга сазовордир. Элимиз бундай катта ирода, бардошга эга бўлган аёл зотини ҳаммаша эъзозлаб келган ва эъзозлайверади” қабилда эътирофни баён этади. Албатта, бу ўринда қозилиқ қилишининг ҳолати йўқ (бунга жуда кеч бўлди Х.С.), фақат масалага қандай ёндашуви кўп нарсани ҳал қилиши мумкинлигини, олимнинг ички майлларга эрк бериши ёки муаммони атайлаб бўрттириши чалқаш

хулосаларга, асоратларга олиб келиши мумкинлигини қайд этиш учун юқоридоги муносабат қийишқ кўзгуга солиниб, беўхшов шаклга кирганини келтириб ўтиш жоизга ўхшайди.

Ўжар далиллар яна сўзлайдики, Очил Тоғаев Қашқадарё вилоятидан етишиб чиққан биринчи фан доктори бўлган экан. Вилоятда у зотнинг шарафига катта тадбир уюштирилган ва унда олимнинг фандаги бу жасоратини улуғлаб, кейинги ўн (балки эллик) йилларда Қашқадарёда иккита улкан воқеа рўй берди; бири асрлар оша қақраб ётган Қарши чўлларига сувнинг келиши ва иккинчиси Очил Тоғаевнинг Москва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши, деб эътироф этилган экан. Воҳаликларга хос танти, дўвор гап. Ана шундай шараф эгаси кейинчалик гоҳ ойдин, гоҳ зулматли йўллардан ўтди. Бошида қора булутлар айланган юрган чоғлар эъзозланган “ягона алломай замон”нинг фарзанд тўйига гарчи Тошкентдан нуфузли меҳмонлар ташриф буюрган бўлишса-да, ҳатто ўша вақтда туманининг биринчи раҳбари “вақт топа олмагани” ҳам бор гап. Ёки марҳуматидан баҳраманд бўлиб, катта ҳаётга қадам қўйган яқинлари ҳам ул зотни кўпда хотирлаб турмайди, ҳатто шу ҳақда гап кетса қулоқларини буриб олишади. Ахир, марҳумлар саховат кўрсата олмайдилар. Бу ҳоллар инсон табиатида бор қусурлар. Яққабобдан чиққан биринчи академик Аскар Холмуродов ҳақида хотираларни тўплаш учун борганимизда нафақадан муаллим Бухор Юсупов ҳеч ажармай, юмушларимга қўмаклашди. У марҳум юртдошининг шон-шухратидан ҳамон ҳаяжонланар, у кунларни туш каби эсларди: “Аскар ака Яққабобқа келса, кўчалар тўлиб кетарди. Унча-бунча одамга уни кўриш, даврасида ўтириш насиб этмасди. Бизга ўхшаганлар у кўнадан ҳам ўтолмасдик”. Ана шундай назарга илинмаган одам китоби чиқишини, юртдошини катта-кичик билки қўйишини жуда-жуда истарди. Афсуски, ҳамма ҳам шу орзуда эмас экан. Рост, Аскар ақанинг кўзини ёғини ялаган, унинг соясида давру даврон сурган одамларни излаб топиб бўлмас, улар қисқа хотираларини баҳам кўришни ҳам исташмасди. Бундай “сийлов”дан Очил Тоғаев ҳам бебаҳра эмас. Бир борганимизда устознинг хотирасига қилинадиган ишлар билан қизиққанман. “Тумандаги болалар кутубхонасини Очил Тоғаев номига қўйганмиз” деб мақтанамиз. Кўнглида бир илиқлик пайдо бўлди ва ўша муборак гўшани бориб кўриш истаги туғилди. Шу зумда мутасаддиларнинг юзлари тундлашди, саросимага тушиб қолишди. Бирдангина машина топилайди қолди, яна бошқа баҳоналар... Хуллас, кейинроқ ўша масканга атайлаб бордик. Ночорлик замонлари эди, эски, қаровсиз бино, поллари кўчиб, зах чиқиб ётибди. Китоб жамғармаси ҳам мақтанарли эмас, муталаа шароити эса мутлақо йўқ.

Энди қарашлар ўзгарди, муносабатларда миллийлик, ўзликни англаш ҳисси кучаймоқда. Бундай хайрли амаллар ҳаммани ҳушёр торттиради, жумладан, элнинг доврўғини чиқарган, узоқ-яқинга танитган марҳумлар ҳам бу марҳуматдан бебаҳра қолмайдилар. “Мен агар узоқроқни кўраётган эканман, бу кимнингдир елкасидан турганимдан” деган экан бир доширман. Бизнинг узоқроқни кўришимиз учун елкаларини тутиб турган улуғларимиз сафимизда собит бўлсинлар. Уларнинг ибрати, бой ижодий мероси эса келгуси авлодларнинг қалбига етишида беиннат бойлик бўлиб хизмат қилади. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев ҳам миллий маданиятимизда нисбатан кам тадқиқ қилинган публицистика назарияси бўйича салмоқли асарлар яратган. Устознинг “Публицистика жанрлари”, “Прометей олови”, “Адиблар ва жанрлар”, “Идрок ва ижод”, “Қаҳрамон — ижтимоий ҳодиса” сингари китобларидан миллий журналистикамиз муаммолари жаҳон мезонлари асосида теран таҳлил қилинган. Агар улардаги давр билан боғлиқ унсурлар истисно қилинса, бугун ҳам соҳанинг кўпгина масалаларини тушуниши ва идрок этишда ўрни беқиёс. Негаки, Очил Тоғаев китобчилардан бўлиб бу борада батта мезонларга жавоб берадиган тадқиқотлар яратган олим эди. Ҳозирги ахборот асрида материални саралаш, уни эзгу мақсадларга йўналтиришда назарий тайёргарликнинг ўрни беқиёс экан, шу мақсадда тайёр илмий ишланмалардан фойдаланиш ҳам фарз, ҳам қарадир.

Ҳаким САТТОРИЙ.

Мехр

Халқаро статистика маълумотларига кўра, ҳозир дунёда қирқ мингга яқин касб-кор бор экан. Барча касблар ичида ўқитувчилик касби энг ҳурматга лойиқ касб саналаркан. Ўқитувчилик — энг оғир ва машаққатли, шунингдек, энг шарафли вазифа эканлиги давлатимиз томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Чунки, жамиятнинг оддий аъзосидан тортиб, то энг юксак мартабадаги инсонлар, улуғ олим мутафаккирлар ҳам ўқитувчиларнинг сабоқлари ила таълим-тарбия олишади.

Эл эъзозлаган устоз

Ана шундай устозлардан бири, ёш авлоднинг миллий қадриятлар ва умуминсоний туйғуларга ҳамоҳанг руҳда қарбия топишда катта ҳисса қўшган Журъат Содиқовдир. У 1939 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Аввал ўрта мактабни, сўнг ўша пайтлардаги “Профтехшкола”ни битириб, Тошкентдаги 81-мактабга ишга келади ва ёшларга дурадгорлик касби сирларини ўргата бошлади. 1961 йилда Низомий номли Тошкент педагогика институтининг Физика ва математика факультетига ўқишга қиради.



Уч йил ҳарбий хизмат сафидан бурчини ўтаб қайтган, ўқишини давом эттириб, 1968 йили тамомлайди. Шу тарихида Журъат устозлик фаолияти бошланади. Аввал Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими бошлигининг ўринбосари лавозимида ўн йил хизмат қилди. Кейинчалик пойтахтдаги 197 ва 109-умумтаълим мактабларида директор, сўнгра Учтепа тумани халқ таълими бўлимининг мудири вазифаларида ишлади.

Навбатдаги маҳалла фаоллари йиғинида: — Азизлар, келинг, маҳалламизни “Китобхонлар маҳалласи”га айлантирамиз, зеро бу муқтарам Президентимизнинг ташаббуси, биз биринчилардан бўлиб қўлашимиз керак, — дея китобхонликнинг инсон онги-тафаккуридаги вазифаси ҳалол адо этмоғи лозим”, деган гапни ўзига шир қилиб олган Журъат ака таълим соҳасидаги захматли меҳнатлари муносиб тақдирланди, у “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” нишонига сазовор бўлди. Ўта камтарлиги, ҳушмуомаллиги билан элга танилган устоз ҳали-ҳамон ўқувчилари эъзозидан, ҳамкасблари хурмат-эътиборидадир.

“Хар бир инсон ўз зиммасидаги вазифани ҳалол адо этмоғи лозим”, деган гапни ўзига шир қилиб олган Журъат ака таълим соҳасидаги захматли меҳнатлари муносиб тақдирланди, у “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” нишонига сазовор бўлди. Ўта камтарлиги, ҳушмуомаллиги билан элга танилган устоз ҳали-ҳамон ўқувчилари эъзозидан, ҳамкасблари хурмат-эътиборидадир. — Ота-оналар вақти-вақти билан илм даргоҳи — мактабга келишиб, болаларнинг таълимидан хабар олиб туришса, уларнинг тартиб-интизомга риоя қилишларини кузатишса, ўйлаётгани, ўқувчиларнинг ҳушёрлиги ортади. Билим олишга иштиёқ ошади. Оилада интизом, ташаббускорлик бўлса бу ҳусуси-

ят, албатта, шу хонадонда ўсиб-ўлғаяётган фарзандларга ҳам ўтади, — дейди устоз Ж.Содиқов.

Маориф соҳасида ҳормай-толмай хизмат қилган Журъат Содиқов бугунги кунда жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этади. Маҳалламиз фукаролар йиғинларида доим долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

Навбатдаги маҳалла фаоллари йиғинида:

— Азизлар, келинг, маҳалламизни “Китобхонлар маҳалласи”га айлантирамиз, зеро бу муқтарам Президентимизнинг ташаббуси, биз биринчилардан бўлиб қўлашимиз керак, — дея китобхонликнинг инсон онги-тафаккуридаги вазифаси ҳалол адо этмоғи лозим”, деган гапни ўзига шир қилиб олган Журъат ака таълим соҳасидаги захматли меҳнатлари муносиб тақдирланди, у “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” нишонига сазовор бўлди. Ўта камтарлиги, ҳушмуомаллиги билан элга танилган устоз ҳали-ҳамон ўқувчилари эъзозидан, ҳамкасблари хурмат-эътиборидадир.

Вакт зик, замон шиддатли. Ҳозирги глобаллашув жараёнида бутун дунёга танилиб бораётган келажак буюк давлат — Ўзбекистонимиз учун баркамол авлод тарбиясида жонқуяр бўлган Журъат Содиқовга ўхшаган устозларимиз, педагог-мураббийларимиз ҳаммаша омон бўлсинлар.

Вохид ИСМОИЛОВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
доцент.

Сабоқ

Коллежимизда ўқувчилар иштирокида қуни кеча “Келажакимизни маънавий етук, билимли ва қобилиятли ёшларимиз бунёд этади” мавзусида давра суҳбати ўтказдик.

Маънавий қиёфа

Мунозараларга бой бўлган тадбирда маънавият том маънода миллатни танитадиган, унинг шухратини оламга ёйдиган, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланиши айтиб ўтилди. Шу жиҳатдан, миллат маънавиятини юксалтириш коллежимиз ўқитувчи ва ўқувчиларининг бурчи эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатига асосий эътибор маънавиятли инсон қандай бўлиши керак? Унинг қиёфаси бугунги кунда нима билан белгиланади? — каби саволларга тарихий манбаларда келтирилган маънавий тафаккурга оид ривоятлар, ҳикматли гаплар мисолида ўқувчиларга устозлар томонидан тушунтирилди.

Аввало, ҳар бир инсон бугунги янгилашларнинг, ислохларнинг томошабини эмас, балки ўзини шу жараёнларнинг иштирокчиси сифатида ҳис қилади лозим. Бугунги кун фукароси бепарволик, ўзибўларчилик кайфиятидан бутунлай йирок бўлиши керак.

Ўқувчи-ёшлар аввало илм ўрганиши, келажакда етук мутахассис бўлиши учун касб эгаллаши лозим. Ҳозирги кунда ақсар ёшлар пул топиш, бойиш керак каби тушунчалардан воз кечолмаяпти. Оқибатда судхўрлик, кўзбўямачилик, таъмагириклик сингари салбий қусурларга аралашиб қолаяпти.

Биз ҳар қандай қонунга хилоф тушунчалардан йирок бўлиб, нопок, эзгу мақсадларга мос келмайдиган кўзбўямачилик иллатларидан ҳазар қиладиган бўлишимиз лозим. Инсоннинг тафаккури тиник, қалби пок бўлсагина мамлакат ривожига, миллий қадриятларга, урф-одатларга оғишмай амал қилади. Ёшларда дахлдорлик туйғуси шаклланимоғи, ютук ҳам, камчилик ҳам меники дейдиган руҳият уйғонмоғи лозим.

Рухиятида ана шундай хислати бор ёшларни маънавиятли инсонлар деса бўлади. Фақат эзгу хислатини мамлакатимиз фукаросининг маънавий қиёфасини белгилайди.

Отабек ЧОРИЕВ,
Пастдаргом автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи
директори.

► Акс-садо

Бугунги ахборот асрида деярли ҳар кимнинг қўлида телефон, деярли ҳар телефонда ками билан ўнтасининг тўққизтасида бир, икки, гоҳо учталаб ижтимоий тармоқ иловалари мавжуд. Шундай экан, қўлида алоқа қурилмаси бор ҳар ким — ахборот тарқатувчи. Шу ўринда айтиш мумкин, беш қўл баробар бўлмас экан-да...

“Хуррият” газетасининг жорий йил 25 сентябрдаги 32-сонида чоп этилган блогерлар ҳақидаги (“Блогерни журналист деб бўлмайди”, “Ахборот майдонида ҳеч қачон бўш ўрин топилмайди”) мақолаларини ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Ёлгон хабар (Fake news):

Ахборот маконида алданиб қолманг!

ёхуд ўт балосидан, сув балосидан... тролл балосидан ҳам асрасин!

Ҳозирги кунда ўзларини блогер деб атаётганлар “telegram”, “facebook”, “YouTube”, “Instagram” сингари ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида обуначиларини орттириш учун ҳеч нарсадан тап тортишмаяпти.

Яқинда телевидениеда бир хабар берилди. Унда ўзини поезд остига ташлаган икки ўсмир ҳақида сўз борди. Маълум бўлишича, улар телеграмм тармоғидаги саҳифасида обуначиларини кўпайтириш учунгина бу ишга қўл уришган. Ангренлик бундай «блогер» ўсмирларга, албатта, қонуний чора кўрилди.

Афсуски, уларнинг айримлари обуначилар сонининг ортиши учун ўзини поезд остига ташласа, бошқалари ёлгон хабар — fake news тарқатишни маъқул кўраётди. Охириги пайтда ёлгон хабарлар бироз ортандек. Буни расмий манбаларда кунда-кунора берилаётган радиояллар ҳам тасдиқлаб турибди.

FAKE NEWS АСЛИДА НИМА?

Fake — (инглизчадан) «сохта», «қалбаки», деган маъноларни англатади.


Ҳақиқатга жуда ўхшаб кетадиган ёлгон хабарлар, махсус дастурлар орқали ўзгартирилган фотосуратлар, монтаж қилинган видеолархалар, иж-

тимоий тармоқларда бошқа шахслар (таникли инсонлар) номидан очилган ёлгон профиллар бунга мисол бўла олади.

Одатда, бу каби ёлгон ахборот, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари таъбири билан айтганда, «тролл»лар томонидан тарқатилади. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси — троллнинг ортида тирик шахс турибди. Лекин, исм-шариф ё тахаллуслар, профил маълумотларининг барча-барчаси сохта. Тролллар ўзлари тарқатаётган ахбороти каби ёлгон шахс.

Мушук текинга офтобга чиқмаганидек, тролллар ҳам текинга бирон ишга қўл уришмайди. Ҳақиқатга яқин тахминларга кўра, бу ҳаракатлар ортида манфаатдор доира вакиллари турибди ва троллларнинг фаолиятларини молиялаштирмоқда. Улар чегара билмайди, ҳар қандай давлат ва халққа таҳдиддек буй кўрсатиб туради.

Бир ёлгон ахборотта шунчами, дегувчилар учун шуни айтишни истардикки, 1993 йили Руандадаги геноцид (инсониятга қаратилган энг оғир жиноят) маҳаллий радиодан тарқалган биргина ёлгон ахборот меваси эди. Утган йили Ҳиндистонда ҳам



“WhatsApp” мессенжери орқали тарқалган фэйк суратлар 25 кишининг тошбўрон қилинишига олиб келган. Бундан ташқари, йил бошида Жазоирдаги намойишлар ва бунинг ортидан Жазоир Президенти Абдулазиз Бутефликанинг истеъфога чиқишига «электрон пашшалар» номини олган тролллар гуруҳи бош сабаб қилиб кўрсатилган.

Мисолни олисан эмас, ўзимиздан ҳам келтириш мумкин. Зотан, ўзимиз ҳам баъзида троллларнинг ёлгон хабарларига алданиб қолаёلمиз.

Ҳали бир ой ҳам вақт ўтгани йўқ, Ўзбекистон Муслмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг ишдан олингани ҳақида ахборотлар уричди. Тролллар, хатто, ёлгон хабарлари билан бошқа бир инсонни муфтий, деб ҳам эълон қилишди.

— Ҳақроғ, бунга ишонмадим, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Умиджон Мамарасулов. — Чунки ахборот расмий манбадан берилгани йўқ. Бошқа бир интернет сайти ахборот берди, қолган интернет нашрлар одатдагидай уларга қўшилиши ёки кўчиришди. Ваҳоланки, Муслмонлар идорасининг расмий веб-сайти — “muslim.uz”да ҳеч қандай бу ҳақда хабар берилмаганди. Ахборотга эҳтиёж сезаяпмизми, уни қабул қилиш иммунитетини ҳам шакллантира билишимиз керак.

Бундай ёлгон хабарлар қурбонига нафақат муфтий, балки Ўзбекистон Ҳукумати, «Вақф» хайрия жамоат фонди ҳам гирифтор бўлди. Шу йил 18 сентябрь кунини айрим ижтимоий тармоқларда маҳаллалардаги масжидлар сони, диний либосда юрадиган ҳамда турли мақсадларда чет элга кетган фуқаролар сонини аниқлаш буйича саводсизларча ёзилган хабарга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Матбуот хизмати раддия билан чиқди.

Ассосиз ва ҳеч қандай мантиққа эга бўлмагандек туюладиган бу фэйк хабар замирида, агар чуқур мулоҳаза юритилса, устомонлик билан яширилган мақсад — Конституциямизда белгиланган эътиқод эркинлигига раҳна солинаётгандек тушунча келиб чиқади. Арзимагандек туюлган хабарнинг ҳам асл мақсади эътибор беришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда...

Ушбу раддия сўнггида айтилганидек, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сохта ва ёлгон хабарларга эътибор бермасликлари ва огоҳ бўлишлари сўралади.

БЛОГЕРЛИК: ХАЛҚ НИМА ДЕЙДИ?

Шубҳа йўқки, троллларнинг макони интернет, ижтимоий тармоқ. Блогерлик нибоби остидаги троллларнинг жамият ва давлатга хавфи юқоридаги мисоллардан ҳам маълум. Ҳўш, халқ троллларнинг асосий нибоби бўлган блогерлик фаолияти ҳақида нима дейди?

Телеграмм тармоғидаги «Сизнинг фикрингиз» саҳифасида август ойи якунида бир сўровнома ўтказилди. Унда 6245 респондент «Ўзбекистонда кўпчилик ўзини блогер ҳисоблайди. Давлат блогерлар тўғрисида қонун чиқариши керакми?» деган саволга жавоб беришган.

Респондентларнинг 22 фоизи «Ҳа, фаолият қонун билан тартибга солиниши керак», 20 фоизи «Йўқ, у ҳолда мутлақ назорат ўрнатилмасин», 14 фоизи «Ҳа, кўпчилик ишонсиз ахборот тарқатапти», 12 фоизи «Ҳа, баъзи блогерлар шахсий ҳаётга аралашаяпти», 10 фоизи «Йўқ, яхшиси қонун эмас, тавсиялар ишлаб чиқиш керак», 9 фоизи «Йўқ, Ўзбекистонда блогерлар нормал фаолият юритишмаяпти», 8 фоизи «Ҳа, аслида ким блогерлигини аниқ белгилаш керак», 5 фоизи «Йўқ, лекин улар учун тренинглар ташкил қилиш керак», деган жавобларни йўллашган.

Донишманд халқимизда топиб айтилган нақл ҳикमतлар бисёр. Ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан асрасин, дея дуога қўл очади кексаларимиз.

Троллларнинг ҳам турган-битгани — тухмат. Йўқса, бир инсоннинг — эл кўзига кўринган сиёсатчи ё санъаткорни бадном қилишга уринишини қандай изоҳлаш мумкин?!

Ёлгон-яшиқ, фиску фасод гапларни халқимиз ҳазм қилолмаган ва бундан кейин ҳам қабул қила олмайди. Вақти келиб, бу борада миллий қонунчилигимизга янгилар киритилар, бироқ қинғир ишнинг қийини, сўроғи ҳам бор. Унга қандай жавоб беришни тролллар ва улар тимсолида тролллар ижросидаги “спектакль режиссёр”лари унутмасликлари керак.

Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

► Пресс-тур

Кеча ва бугун муштарак туман

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани ҳокимлигида 27 сентябрь — Халқаро туризм кунини муносабати билан ҳудудда амалга оширилган бўйбўриш ишлари юзасидан журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди.

Унда ОАВ вакиллари туманининг тарихий ва замонавий диққатга сазовор жойлари, ободонлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар билан танишар экан, аввал “Чўпон ота” жоме масжиди ҳудудидаги мақбаралар бўлишди.

Манбаларга кўра, ушбу маскан XIV-XV асрларда буюк олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек томонидан чўпонларнинг хомийши шарофатида қурилган экан. Бу ерда нафақат обидалар, балки ўз тарихига эга дараклар ҳам сақланиб қолган.

Журналистлар маҳаллий ва чет эллик меҳмонларнинг эътиборини қозонган “Сўғдийна” арт-савдо марказида миллий ва қўшни халқлар маданиятига оид хунармандлик, жумладан, қулчилик, зардўзлик, гиламдўзлик, заргарлик маҳсулотлари намойишини бориб кўришди. Мажмуада Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва Наманган каби вилоятларнинг миллий хунармандлик мактаблари асосида 45 дан ортик махсус савдо дўконлари барпо этилган.

Бундан ташқари, Лутфий номидаги сайилгоҳда амалга оширилган кўкаламзорлаштириш ишлари туфайли 3 километр масофадаги ҳудуд обод масканга айлантирилган. Эндиликда туман аҳолиси ушбу сайилгоҳда ҳам дам олиш имконига эга бўлиши, **Ўз мухбиримиз.**

Кутловлар

Азиз ҳасоз ва мураббийлар!
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан
самимий қўллаймиз.
Сиз илм қўғон даргоҳларида
тахсил олаётган фарзандларимиз
кељагининг яратувчиларисиз.
Мана шундай хайрли ва масъулиятли
вазифангизда муваффақият ҳамиша ҳамроҳ,
ақл қўқрингиз, кўч-ғайратингиз
бардавом қў барқарор бўласин!



Қўшработ тумани
халқ таълими бўлими жамоаси
юртимиздаги барча ҳасоз ва мураббийларни
каб байрамлари билан муборакбод этади.
Иморатлар ичига энг улғи мактаб бўле,
каблар ичига энг шарафлиек ўқитувчилукдир.
Ана шу масъулиятли ва шарафли кабингиз
ҳамиша эл олдида юзингизни ёрқ қилеин.
Шоширдларингиз
учун чинакам
ибрат намунаеи
бўлиб
қолишингизни
тилаймиз.

Самарқанд шаҳар
Дилшод Тошмўредов бошчилигидаги
“Болалар келажак” оилавий
корхонаси.

► Таассурот

Бугун ўз устида ишламаган журналист, у соҳанинг қайси йўналишида — газета ва журналлар, телерадиоканаллар, матбуот ва ахборот хизматлари ёки ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтган веб-сайтларда фаолият юритмасин, жамоада, ҳаётда муносиб ўрин топиши, муваффақият қозониши мушкул.

Ортимизда журналист кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, айти пайтда, ОАВларида фаолият юритаётган ижодий ходимлар, журналистика бўйича таълим олаётган йигит-қизларимизга соҳа сир-асрорларини, янги — яъни замонавий фикрлашга ўргатиш, тажриба алмашиш, шунинг баробарида, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган турли семинар-тренинглр, давра суҳбатлари, “Мастер-класс”лар, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Олтин қалам” каби танловлар ҳам айти шу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлар сирасига киради.

“Ота юртдан келдингизми?”

Туркияга қилган сафаримиз давомида бу илиқ сўзларни бир неча бор эшитдик...



Уюшмамиз бош-қош бўлаётган танловлар орасида “Олтин қалам” ўзининг нуфузи, қамрови кенглиги, халқро микёсда ўтказилиши каби жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу йилги халқро танловда ҳам бир қатор хорижий ташкилотлар, хусусан, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг “Туркия ташки сибёти ҳақида” энг яхши материал учун” номинацияси билан иштирок этди.

Мазкур номинация галиблигини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маҳалла” телеканали катта муҳаррири Садоқат Дадаева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг Наманган вилояти бўйича фото муҳбири Хотам Мамадалиев, Qalampir.uz веб-сайти ходими Суннатилла Абдуллаев қўлга киритиб, Туркияга ижодий сафар йўлланмасига эга чиққан эди. Тегишли тақлиф ва келишувга мувофиқ, каммина ҳамда “Халқ сўзи” газетаси масъул ходими Фаррух Бўтаев ҳам улар билан бирга 15-19 сентябрь кунлари Туркия сафарига бўлди.

Сафаримизнинг биринчи кунги аякшанба — дам олиш кунига тўғри келди. Фуросатдан фойдаланиб, Туркия пойтахтининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Географик жиҳатдан ривожланиш учун қўлай минтақада жойлашган, Фарб билан Шарқ ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарувчи Туркияда аҳолининг ҳам шарқона, ҳам Европа услубида кийинишига кўзингиз тушади. Ўзбекистондан эканимизни билган маҳаллий аҳоли вакиллари “Ота юртдан келдингизларми” дея илиқ муносабатда бўлиши кайфиятимизни кўтарди.

Ўзга юрта сафар қилган журналистни шу юрт оғди ва айналарни, тарихи, сибёти, мамлакатнинг айти кунги ривожланиш жараёнларидан ташқари, оммавий ахборот воситалари фаолияти, соҳага оид техника ва технологиялар, иш усул ва услублари, ОАВларида журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар қизиқтиради, албатта.

Сафаримиз давомида Туркия Президенти ҳузурдаги коммуни-кациялар бошқармасига, ушбу давлат телерадиокомпанияси — TRTга, “Анадолу” ахборот агентлиги, бешта газета ва олпита нондлаган телеканални ўзида бирлаштирилган “Turkuvaz media” корпорациясига ташрифимизнинг уюштирилиши айти мудоа бўлди.

Штаб-квартираси Анқара шаҳрида жойлашган “Анадолу” ахборот агентлиги ижодий жамоаси билан учрашувда, айти пайтда, мазкур оммавий ахборот воситасида тайёрланаётган фото, видео ва матнли хабарлар 13 тилга таржима қилиниб, дунёнинг юздан ортиқ мамлакатига тарқатилаётгани, маҳаллий газета ва журналлар, телерадиоканаллар агентлик мате-

риалларидан фаол фойдаланиб келаётгани айтиб ўтилди. Таъкидланганидек, йилдан-йилга “Анадолу” қамраб олаётган худудлар географияси кенгайиб, ходимлари сони кўпайиб бормоқда.

— Агентлик ходимлари, жумладан, фото муҳбирлари иш жараёни билан танишиб, улар олган бир қанча суратларни кўздан кеңириш, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдим, — дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг Наманган вилояти бўйича фото муҳбири Хотам Мамадалиев. — Ушбу мамлакатда чоп этилаётган газет ва журналлардан жой олаётган суратларнинг 50 фоизидан кўпроги “Анадолу” фото муҳбирлари ҳиссасига тўғри келаётгани улар мавзу танлашда адашмаётгани, юксак маҳорат билан тарихга муҳраётган суратлари рақобатбардош эканини аналтади. Бу ерлик ҳамкасбларим сув остида суратга олишни ҳам йўлга қўйишган экан.

Саксон миллион нафардан зиёд аҳоли истикомат қиладиган Туркияда олти минг номга яқин хусусий (бу ерда давлат, вазирилик ва ташкилотлар муассислик қиладиган нашрлари йўқ) газета ва журнал чоп этилмоқда. «Сабах», «Истанбул», «Ватан», «Дунё» газеталари шулар жумласидан. Айти кунда уч юз элик нафардан кўпроқ ходим фаолият юритаётган, мамлакат бўйича тарқатиладиган «Сабах» газетаси тахририятида ҳам бўлди. Газета 3 ва 4 саҳифаларига нашр тарқатиладиган худудга оид қизиқарли, таҳлилий материаллар бериб бориш, информация характеридидаги материалларни ўзига хос тарзда, ўқишли қилиб тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерни ҳам босма нашрларда кечаётган кийинчилик, муаммолар четлаб ўтмаётган экан. Ўн йилча олдин қарийб 800 минг нусхада чоп этилган мазкур нашр бугун 300 мингга яқин ададда чиқмоқда. Тахририят жамоаси (алоҳида гуруҳ) тиражни сақлаб қолиш ва кўпайтириш илинжида изланаётир.

Хар кунги чоп этиладиган “Сабах”нинг янги сонларини марказ ва жойлардаги газета масъул ходимлари қисқа вақт ичида газетхонларга етказиши, бошқача айтганда, почта хизматини ҳам ўзлари бажаради. Туркияда чиқадиган “Сабах” каби нисбатан кўп тиражли газеталари битта нашриётда эмас, бир пайтнинг ўзида мамлакатнинг Анқара, Истанбул, Измир, Бурса, Анталия каби йирик шаҳарларидаги босмахоналарда ҳам чоп этилади.

Яна бир жиҳат, бу ерда газета ва журналларга обуна бўлиш унчалик оммалашмаган. Нашрлар биздагидек (марказий, партия ва айрим тармоқ газеталаримиз кўзда тутилмоқда) А-2 форматда эмас, замонавий ва қўлай ҳисобланаётган А-3 форматда чиқади.

Матбуот нашрларига аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг маълум фоизи ихтиёрий равишда, асосан, йиллик обуна бўлади. Қисқаси, Туркияда аҳоли газета ва журналларни, асосан, киоска ва бошқа жойлардан сотиб олиб ўқир экан.

Режага биноан TRT1, TRThaber, TRTokul, TRTsport, TRTavaz, TRTKurdi, TRTworld, TRTcocuk, TRTbelgesel каби ўндан ортиқ телеканални бирлаштирган Туркия телерадиокомпанияси фаолияти билан танишувимиз ҳам таассуротларга бой, қизиқарли кечди.

— Бу ердаги телеканалларда воқеа жойидан тўғридан-тўғри жонли эфирларнинг кўлиги, жойлардан узатиладиган хабарлар 10-15 дақиқада тайёрланиб, эфирга берилиши эътиборга молик, — дейди “Маҳалла” телеканали катта муҳаррири Садоқат Дадаева. — TRT телеканалларида бўлиб, буни ўз кўзимиз билан кўрдик, турк ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашдик, дўстлашдик, энг муҳими, тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик.

Турк маданиятининг чинакам тарғиботчисига айланган TRT телеканалларида бошқа миллат ва элатларнинг ҳам урф-одат ва тарихий меросига доир кўрсатувлар бериб борилади. Ўтган йили буюк бобокалонимиз Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм айти шу телерадиокомпания каналлари орқали намойиш этилган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи, кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгилинишлар миллий айна ва маросимларимиз ҳақида ўнлаб теледастурлар, роликлар тайёрланиб эфирга узатишган, бу жараён давом этмоқда. Бу ишларга Туркияга келганига бир неча йил бўлган, TRT таркибидаги телерадиоканаллар ходимлари — Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида туғилган Махлиё Шодматова, асли қирғизистонлик ўзбек қизи Нарғиза Отахонова ҳам ҳисса қўшаётган экан. Улар билан суҳбатлашдик.

— Бу ерда таржимонлик, муҳаррирлик қиламан, — дейди Махлиё Шодматова. — ОАВ орқали Марказий Осиё давлатларида, айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини кузатиб хурсанд бўламан. Мақсадим — бир неча йил тажриба ошириб юрта қайтиш, Ватанимиз журналистика” соҳаси раванкига ҳисса қўиши.

Сафаримиз давомида Анқарадаги Туркия Президенти қароргоҳида, мамлакат парламентида, Истанбулдаги “Айя-София” музейи, Туркия ишбилриги ва мувофиқлаштириш агентлиги — ТКА каби бир қатор давлат ташкилотлари ва тарихий масканларда ҳам бўлдик. Таассуротларимиз бойиб, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб юрган чоғимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги Кенгаши”ни тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуннинг имзолангани, Тошкент ва Анқара шаҳарлари ўртасида “Биродарлашув алоқаларини ўрнатганлик ҳақида” келишувга эришилгани каби янгиликлар Туркия ОАВларида кенг ёритилганига, хушхабарни ушбу мамлакат халқи, зиёлийлари ниҳоятда кўтаринкилик билан қабул қилганининг гувоҳи бўлдик.

Туркияда давлат идоралари масъул ходимлари билан кечган суҳбатларда кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги янги бошқича кўтарилгани, икки мамлакат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар соҳалар ривожидида муҳим омил бўлаётгани, маънавиятимиз, маданиятимиз, тилимиз яқинлиги, динимиз бирлиги алоҳида таъкидланди.

Албатта, ҳар бир соҳада бўлган каби журналистикада ҳам тажриба алмашиш муҳим ва ривожланишга хизмат қилади. Шу маънода Туркияга сафаримиз ҳар жиҳатдан фойдали, айти кунги газета, теле ва радио, фото ҳамда интернет журналистикаси муаммо ва ривож буйича мулоқот ва фикр алмашишларга бой кечди. Икки мамлакат журналистларининг ўқуви ва малака ошириш курсларини ташкил этиш буйича музокаралар олиб борилди. Бу борадаги ишлар келгусида турк журналистларининг Ўзбекистонга, юртимиз оммавий ахборот воситалари вакилларининг Туркияга ижодий сафарлари янада кўпайишни аналтади. Зеро, янгиланаётган Ўзбекистон дунё журналистлари учун очик, ўзбек журналистлари жаҳонга чиқмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари.
Тошкент — Анқара — Истанбул — Тошкент.
Хотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

► Жаҳонда нима гап?

АВТОҲАЛОКАТ ТУФАЙЛИ ТАЛАБАЛАР ЖАБР КЎРДИ



автомобиль тўсатдан пидедалар урилган ва ағдарилиб кетган.

Таиланднинг шимоли-шарқида техника коллежининг 17 нафар талабаси пикап иштирокидаги автоҳалокат қурбонларига айланди, деб хабар берди маҳаллий полицияга иқтибос келтирган ҳолда Thaiger интернет-портали.

Талабалар пикапда ўқишдан уйга қайтаётганда катта тезликда ҳаракатланган йўлкасига чиқиб кетиб, иккита симёғочга

ПОДШОХНИНГ ШАХСИЙ ТАНСОҚЧИСИ

Саудия Арабистони подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг шахсий тансоқчиси, бригада генерали Абдулазиз ал-Фаҳм ўқотар жароҳат оқибатида ҳалок бўлди. Бу ҳақда Макка полициясига иқтибос келтирилган ҳолда Al Arabiya телеканали хабар берди.



Полицияда таъкидланишича, генерал кечки вақт ўз дўсти уйда отиб ташланган. Маълумотларда эса подшоҳнинг қуриқчиси дўсти Турки бин Абдулазиз ас-Собтийни қургани Жиддага борган. У ерда генерал ва дўстининг яна бир меҳмони Мамдўх бин Машъал Ал Али ўртасида можоро чиққан. Мажорадан кейин Мамдўх уйдан чиқиб, у ерга қурол билан қайтган ва уйдаги барчани бетартиб ўққа тутган.

Тансоқчи оғир жароҳат олиб, шифохонада жон берган. Мажоро вақтида яна икки киши, жумладан, уйнинг эгаси ва филиппинлик ишчи жароҳат олган. Воқеа жойига етиб келган полициячилар ва уларга таслим бўлишни истамаган жиноятчи ўртасида отишма юз берган. Отишма вақтида 5 полициячи яраланган, жиноятчи эса отиб ўлдирилган.

ВОРИС МАШИНАЛАРИ СОТУВДА



бўлиб, ўндан бор-йўғи 9 дон а ишлаб чиқарилган. Бу машина учун 5 млн. доллар олиш кўзланмоқда. Машина капотида Нгеманинг исми-шарифи бош харфлари тўширилган.

Яна бир йирик лот “Ferrari”нинг чекланган миқдорда чиқарилган “LaFerrari” пойма суперкари ҳисобланади. 2019 йил февралда Швейцария прокуратураси автомобиллар мусодара қилиниши эвазига Экваториал Гвинея президентининг ўлига қўйилган айбловларни бекор қилишни айтган.

Экваториал Гвинеянинг президенти Теодор Обианга Нгема Уғли ва вице-президенти Теодорин Обианга Нгемадан мусодара қилинган 25 та ҳашаматли автомобиль Швейцарияда сотува қўйилди. Бу ҳақда “Reuters” ахборот агентлиги хабар берди.

Улар орасидаги энг машҳур автомобиль Lamborghini Veneno Roadster

ИЛОН МАСК САЙЁРАСИГА ПАРВОЗ



Америкалик талбиркор ва миллионер Илон Маск одамларни Ой, Марсга ва яна ортга элта олдуви фазовий кема Starship’ни намойиш қилди. Бу ҳақда DW наشري хабар берди.

Маскнинг айтишича, кема кўп маротабалик бўлиб, Кўёш тизимининг исталган жойига жўнай олади. У бир парвозда 100 нафаргача одами ташини ва катта юкни олади, унинг ёрдамида Ой ва Марсда бутун бошли шаҳарлар барпо этиш мумкин бўлади, дейилмоқда.

ПАРОМ ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИ



Яманининг Ал-Махра вилоятидаги портни тарк этиб, Сокотра оролига йўл олган паром йўқолиб қолди.

Паромда 55 киши бўлган, деб хабар берди “Синьхуа” ахборот агентлиги. Яманлик амалдор Раёд Хурайбийнинг айтишича, паром портни 25 сентябрда тарк этган ва белгиланган манзилга етиб бормеган.

Паром йўқолгани ҳақида хабар олинган, у ҳақида Саудия Арабистони бошчилигидаги коалицияга маълум қилинган. Шундан кейин тезликда кидирув-куткарув операцияси бошланган.

Интернет хабарлари асосида **А.СОДИКОВ** тайёрлади.

Эълон

Абдулаев Хасан Абдумуталовичга тегишли Шайхонтоҳур тумани, Увайсий кўчаси, 37-уй, 4-хонадоннинг уй ҳужжатлари ва уй дафтари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кутловлар

Ургут тумани халқ таълими бўлими жамоаси



Самарқанд туманидаги “Жасур” фермер хужалиги жамоаси

Таълим-тарбия тимсолида қалбларга зиё улашувчи азиз устоз ва мураббийлар! Касб байрамингиз билан табриклаймиз. Ёш авлод келажаги, эзгулик йўлидаги ишларингизда зафар ёр бўлсин.



Тани сўхатлик, бардамлик, хотиржамлик, шогирдлар ардоғида бўлиш барчангизга насиб этсин!

Суратда: Самарқанд шаҳридаги спортинг яққа кураш турлари бўйича ихтисослаштирилган БУСМ тарбиялувчилари Сардор (оқ либосда) ва Қолрон Нуриллаевлар мураббийи Икром Холиков билан машғулот жараёнида.



21-oktabr

Mavzu: Ona tili — jonu dilim

Хурматли устозлар,
мехрибон мураббийлар!
Қасд байрамингиз муқораб бўлсин!
Ёшларга илм-маърифатдан
сабоқ бериб, уларни Ватанинг асл
фарзандлари қилиб тарбиялашда
Сизга аждодларимиз мероси
кўл-каноат бўлишини тилаймиз.
Ўқитувчи эъвозланган юртда
келажак авлод баркамол бўлиб
улғаяди.
Бундай шарафли меҳнатингиз,
матонатингиз учун
Сизга ҳар қанча таъзим,
эҳтиром айласак арзийди.
Жонадонларингиз кут-баракали,
сизнинг хамиша тўғис бўлсин!

Оқдарё туманидаги
„Баҳром бобо“ фермер
хўжалиги жамоаси

► Молия муассасаларида

Ўзбекистоннинг янги тарихида барча соҳалар қатори мамлакат иқтисодийётининг локомитиви ҳисобланмиш банклар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг барқарор ривожланиши ва самарали фаолият олиб боришини таъминлаш учун кенг имконият яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги „Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, банклар фаолиятида бир қатор ўзгаришлар юз берди.

Ҳаётга янги қараш

АТ Халқ банки ўз мижозлари учун жаҳон талабларига мос бўлган қулайликларни яратмоқда

Акциядорлик тижорат Халқ банки ҳам мижозлар учун дунё талабларига мос бўлган қулайликларни яратмоқда. Айни пайтда мазкур муассаса банк хизматлари ва операцияларини бажарувчи универсал молия муассасасига айланди. Бунинг самарасини яратилаётган янги иш ўринлари, маҳсулот турининг ортиши ва бюджетга тушум кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Мижозларга хизмат кўрсатувчи „Фронт офис“ ҳамда Чакана хизматлар бўлими ташкил этилди. Энди мижоз ортқча овозгарчиликсиз, кўп вақт сарфламасдан банк хизматларидан фойдалана олади.

Биргина „Фронт офис“ бўлими юридик шахсларга тааллуқли барча операцияларни: ҳисоб рақам, пластик ҳамда корпоратив карта очиш, кредитлар, экспорт-импорт масаласи, „Мобил банк“ ҳамда „Интернет банкинг“ хизматлари, тўлов топшириқномаларига асосан маблағларни ўтказиш каби вазифаларни амалга оширади. Тадбиркорлар учун ҳам қатор қулайликлар яратилди. Экспорт-импорт амалиётларидаги „СВИФТ“ харажатлари ҳамда бошқа фойдаланувчи камайтирилди. Шу билан бирга, давлат дастурлари асосида тадбиркорлар учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Чакана хизматлар бўлимининг ташкил этилиши эса жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиб, ортқча вақт сарфи ҳамда овозгарчиликларга чек қўяди. Унда мижозларга тажрибали ходимлар пластик карта очиш, омонатларни жойлаштириш, халқаро пул ўтказмалари, жамғариб бориладиган пенсия, кредит хизматлари, коммунал тўловлар қабул қилиш борасида ёрдам кўрсатилади. Банк филиалларида дастлабки маълумотлар берадиган маслаҳатчи „Resepshn“ хизматининг йўлга қўйилгани ҳам мижозларни қониқтириб, бу орқали тез ва сифатли хизмат кўрсатишга эришилмоқда.

Ҳозирги вақтда банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 16 миллиондан ошди. Интерактив банк хизматларидан фойдаланувчилар сони эса 28 775 тани ташкил қилади. Банкнинг жами капиталли аввалги йилларга нисбатан 262 фоизга ортиб, 2 триллион 118 миллиард сўмни, жами активлари 285 фоиз кўпайиб, 15 триллион 343 миллиард сўмни, жами кредит қўйилмалари эса 402 фоиз ортиб, 9 триллион 476 миллиард сўмни ташкил этди.

Халқ банки мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳамда аҳолини молиявий қўллаб-



қувватлаш тизими ҳисобланган пенсия ва нафақалар тарқатиш билан ҳам шуғулланади. Ҳар ой юртимиздаги 8,958 та маҳаллада 3,0 млн.дан ортқ фуқаронинг пенсия ва нафақалари етказиб берилади. Шу билан бирга, муассаса жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ишторқ этувчи фуқаролар ҳамда корхоналарга 12 253 393 та ҳисоб-варақлар очиш каби хизмат турлари кўрсатган.

Бугунги кунда Халқ банки томонидан мижозларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатиш, хизматларини халқаро стандартларга мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Мижозлар талаби ва хоҳиш-истакларини инобатга олиб, хизмат сифати стандартлари ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, Халқ банки ислохотлар пиллапоёсида дадил одимламоқда. Яқинда муассаса ўз мижозлари, жисмоний шахсларга микрокредитлар ажратишда яна бир қулайликни амалда қўллаб бошла-

барқарор рейтинг кўрсаткичига эга бўлди.

Яна бир муҳим янгилик — акциядорлик тижорат Халқ банки бошқарувининг 2019 йил 2 августдаги 93/2-сонли қарори ҳамда АТ Халқ банки Кенгашининг 2019 йил 5 августдаги 27-сонли йиғилиш баёнига асосан муассасанинг янги ло-

самизда жисмоний шахсларга янада сифатлироқ хизмат кўрсатиш мақсадида микроқарз, юқори фойзли омонатлар, нафақа-овердрафти, кобрендинг, кобейжинг ва кредит карталари каби бир қатор янги маҳсулотлар жорий этилмоқда. Шунингдек, „XALQ MOBILE“ мобил иловаси жисмоний шахсларга банк офисларига ташриф буюрмадан масофадан туриб, турли банк амалиётларини амалга ошириш имконини беради.

Дарҳақиқат, Халқ банки ислохотлар пиллапоёсида дадил одимламоқда. Яқинда муассаса ўз мижозлари, жисмоний шахсларга микрокредитлар ажратишда яна бир қулайликни амалда қўллаб бошла-



готиби ва корпоратив ранги тасдиқланди.

— Ушбу янги логотип Соҳибқирон Амир Темур узугидан андоза олган ҳолда ишлаб чиқилган. Асосий логотипда унурлар кучи, давлатнинг қудрати ва халқимиз ҳаётига хизмат қилишга интилиш билдирилган, — дейди Банк бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Атамуратов. — Логотипдаги олтин ранг бойлик ва ишонччиликни, яшил ранг эса банкнинг барқарорлиги ва шиддат билан ўсаётганини англатади. Бугунги кунда муассасамиз Ўзбекистон банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг таркибиде 198 та филиал, 30 та мини-банк ва 900 га яқин жамғарма ва маҳсус кассалар фаолият кўрсатмоқда. Муасса-

ди: ортқча қоғозбозликдан воз кечиб, мижозга биргина паспорти орқали микроқарзлар ажратмоқда. Бу ибрат бўларли фаолият. Ҳўш, бунга қандай эришилди ва нималар сабаб бўлди?

— Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг банклар халққа яқин бўлиши керак, дея олдимизга қўяётган талабларига асосан, бундан ташқари, мижозларимизга қулайлик яратиш мақсадида бошланган хайрли ишдир, — дея сўзини давом эттиради Б.Атамуратов. — Албатта, бундай янгилик тартиб бошқа банкларга ҳам ўрнатқ бўлиши ва „Банк — мижоз учун“ тамойили амалда тўла тасдиғини топиши учун бир имкониятдир. Муассасамизнинг уч миллиондан ортқ пенсионер-мижозлари бор. Улар-

га ихтиёрий равишда пластик картасида қолган қолдиқ суммага тўрт фойзли фойз ставкаларини қўшиб берамиз. Булар хали дастлабки қадамлар. Фойзаларни кейинчалик яна кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Дарвоқе, Халқ банкни универсал тижорат „рақамли банк“ка босқичма-босқич трансформация қилиш мақсадида „ИАБС-7“ тақомиллаштирилган дастурий таъминот тизимини жорий қилиш устида иш олиб борилмоқда. Яъни, салоҳиятли қарз олувчиларга кредит ажратишда мураккаблашган механизмдан воз кечилиб, кредитлар ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи скоринг моделлари ишлаб чиқилган. Ушбу моделни ишга тушириш бўйича Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаси билан интеграция қилиш жараёни давом этмоқда. Бунинг натижасида туман, шаҳар ва вилоятлардаги кредит комиссиялари тугатилади, ортқча овозгарчиликларга барҳам берилади.

Ҳа, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар содаллаштирилиб, қулайликлар кўпайётгани ҳар икки томоннинг манфаатига хизмат қилади. Шулардан бири банкнинг миллий валютадаги пластик карталарига қунидан исталган вақтида Россиядан туриб, „Контакт“ ва „Юнистрим“ тизимлари орқали маблағларни юбориш имкониятининг яратилганидир. Худудларда 302 та замонавий „Банк хизматлари офислари“ ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда 29 таси ишга туширилган. Ушбу офисларда 8 нафаргача универсал ходим мижозларга комплекс хизмат кўрсатмоқда. Бу эса хизмат кўрсатиш вақтини 5 баробар қисқаришига олиб келади. Йил якунига қадар бўндай офислар сони 44 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

Муктасар айтганда, Халқ банки мамлакат иқтисодийётининг ҳар бир жабҳасида самарали фаолият олиб бориши учун бугунги кунда етарли даражада куч ва салоҳиятга эга муассасадир.

Х.АҲМАДЖОНОВА.

Реклама хўҳқў асосида



Жўра ФОЗИЛ

Ёзувчи Жўра Фозил (Жўра Фозилов) Бухоро вилояти Ромитан туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугаллаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозилнинг "Муҳаббатнинг байрамлари", "Барқут мавсум", "Бухоро элчиси", "Бахт юлдузи", "Менинг қизил гулим", "Болаликнинг ёлғиз ёдгори", "Бухорийнинг қайтиб келиши", "Айрилиқ остонаси", "Тирамоҳ армонлари", "Ғозиён зиндони", "Йўлбарсдоранинг сўнги султони", "Ошиқ Бухорий қиссалари", "Хонгулнинг саргузаштлари" каби ҳикоялар, қиссалар ва романлардан иборат қатор китоблари нашр этилган. Адибининг "Дўстга зор бўлган кунинг" ҳикояси асосида Қозоғистон кино ижодкорлари томонидан бадиий фильм суратга олинган. Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

Энг яқин ... олис йўл

(Ҳикоя)

Момоқалдиқроқ ваҳшат ила гумбурлаб, яшин чакнади, чор атроф оппоқ шуъладан бир неча сония ёришиб турдида, яна қоронғу зулмат қўйнига фарқ бўлди. Гумбур-гумбур, яшин-чакин бир неча бор шу тахлит тақдорлангач, шаррос ёмғир қуя бошлади. Қирмизи рўмол ўраган келинчак монанд шафтолизор сесканиб кетиб, узундан узок "оҳ" чекди. Шафтоли гуллари шаррос ёмғирнинг оғир ва шафқатсиз томчиларига дош беролмай, ер билан битта бўлди. Ҳар гал чақмоқ чақнаб, атроф куппа кундуздек ёришганда, кўлмақлар юзини қоплаган гул барглари беҳол титраб, гўё аччиқ қисматларидан нолигандек, ўзаро пичирлашиб кўярдилар.

Момоқалдиқроқнинг оғир зарбалари шамол ва ёмғир томчиларига қўшилиб, фарқ гуллаган шафтолизорни остин-устун этар, баъзи-баъзида эса, дарахлар қаттиқ силтаниб, худди улкан бўз чодир йиртилгандек, "ша-а-р-рр" этган товуш эшитиларди. Худди шу аснода унинг кўзига саҳродаги саробдек бўлиб, нозик бир шарпа кўринди, юраги "шув" этди. Шарпани аниқроқ илғаш учун кўзларини юмиб очди. "Нахотки, бу..." — Юраги ҳапирди. "Йў-е, ахир..." Охири чидаёлмай, ҳайқирди. — Муҳаббат, Муҳаббатим, бу сен мисан?! Ўз овозидан ўзи ҳайратга тушди. Кўлоқлари чиппа бекилиб, дахшатли гумбурлашлар бир зум тингандай бўлди. Сўнгра гулдирдек эшитилди.

— Ҳа, ҳа, менман, менман, ахир... Танимадингизми?! Кўлоқлари яна аниқ-тиниқ эшита бошлади. Бу — илк Муҳаббат Нидоси, акс-садоси эди! Шунда неча йиллардан бери юрагини ёндириб юрган келинча тилига келди. — Муҳаббат, бахтлимисан?! Лоақал, бахт нималигини биласанми? Ўтинаман, айт, бахтиёрмисан?! Яна момоқалдиқроқ гумбурлади, чақмоқ чакнади. Атроф минг чироки қандил порлаган янглиғ ёришиб кетди. Қирмизи ёлқинга бурканган шафтолизор шамолда атлас қўйлагининг этаги беҳосдан кўтарилиб кетган қиз боладек чинқириб юборди. — Эҳ, Жамол ака, наҳот, шу саволни сиздан эшитаётган бўлсам?! Мен, ахир, сизсиз қандай бахтли бўлишим мумкин?! Сиздан айро бахтли бўлишга ор қилдим!

Ёмғир шовуллаши қизнинг илтижолу товушини босиб юбормоқчи бўлар, лекин бу сас Жамолнинг кўлоқлари остида тоғ ўнгиридагидек кучли акс-садо берарди. — Ҳа, худди пичирлади унинг ташналиқдан қақраган лаблари, у ҳамон ўн саккиз ёшида-ку! Бу не сир-синоат?! Ўша эгма қош-узуз киприклар, луч-чак шафтоли янглиғ ёноқлар... Бирдан чор-атроф ёришиб кетди ва Жамол шафтоли гуллари аро қизнинг нурли нигоҳини кўриб, юраги ҳапирди. Ҳамма ёқни ларзага солиб, остин-устун қилаётган талотум тингандек бўлиб, сокин тонг насимидай қўшиқ янграй бошлади.



Бизни ташлаб қайга кетди, ул қаро қошим менинг, Термулиб йўлига кўздан оқадир ёшим менинг... Жамол лолу ҳайрон, ўрнидан қимирлайолмас, бирор сўз айтишга ҳам ожиз эди. Қўшиқ тобора авжига чиқар, энди чор-атрофни ўша ваҳшати тун ёрган елдири мисол қамраб олаётганди. Гулга кўмилган боғда аланга ораларди гўё. Қўшиқ тезда бутун борлиқни измига бўйсундирди. Жамол нима воқеа содир бўлаётганини идрок этолмас, Муҳаббатни

кўздан йўқотиб қўйган, бутун вужуди билан сел бўлиб қўшиқ оҳангида тебрана, дарахлар ҳам гўё унга тақлид қилишаётгандек эди. Ниҳоят, қўшиқ секин-аста, поёнига етди ва худди шу аснода сукутга кетмоқчи бўлган боғ жунбушга келди. Муҳаббат яна тилга кирди. — Азизим, суюқлигим, ёлғизим! Ўзингизчи, ўзингиз бахтлимисан?! Жамол кўлоқларини бекитди. Эвоҳ! Гарчанд бу саволни ўзи биринчи бўлиб берган эсада, шу топда у энг номақбул, қўрқинчли ва ҳар иккови учун ҳам жавобсиз эди. У ўз-ўзидан қочиб, ваҳшатли, шаррос ёмғирли тун қўйнига сингиб, йўқолиб кетгиси келди. Лекин буни сира иложи йўқ, савол момоқалдиқроқдан баландроқ акс-садо билан, дақиқа сайин тақорланарди. Ниҳоят, у бир қарорга келди. Ахир,

бери азизимда, мана, бугун, шу сешшавқин, серёмғир тунда сени яна уч-радим... Айт, энди нима қилай? Бу мажруҳ, абгор кўнгли билан қайга борай?... Шамол дарахлар ораб, уларнинг ҳарир либосини силкитиб, ёмғир, гул-чечаклар ифорини атрофга сочди ва шунинг баробарида Муҳаббатнинг товуши эшитилди. — Йўқ, йўқ, ундай деманг! Ўзингизга тўхтам қилманг! Сиз бахтсиз одамга сира ўхшамайсиз... Буни чеҳрангиз айтиб турибди-ку... Сиз яхшисиз... Ҳаммадан яхши! Жамолнинг юрагини аччиқ бир дард сермаб ўтди. "Эҳ, Муҳаббат, Муҳаббат!.. У ҳамон мени аяйд. Наҳот, бахтли одамга ўхшасам. Йўқ, мутлақо! Мутлақо бахтлига ўхшамайман!.. Ҳа, дарвоқе, у қоронғуда кўзларимни кўрмайпти, шу боис мени бахтли санаётир. Кўзларимни кўрганида борми, бу гапларни сира айтмасди. Ахир, дунёи дунда менчалик бахтга интиқ ва лекин бахт кўрмаган, меҳрга ташна, лекин меҳр кўрмаган кимса бормикан?... Билмадим..." Жамолнинг кўнглида содир бўлаётган ашин-чақинлар табиатдагидан зиёда бўлса бор, кам эмасди. У ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, сўз қотди. — Сен, ҳар доимгидек, менга шафқат қилмасан, тўғрироғи, аялгансан. Аммо илтифотинг дардимни юз чандон оғирлаштиргусидир. Бу қалбадаги ярага туз селиш дегани эмасми, ахир?... Бирдан у жимиб қолиб, ўз-ўзини койиб бошлади. "Нега унга иддао қилмаман? Тақдир тўфонлари уни менадан кам қийнагани йўқ, аёл боши билан ҳаммасига чидаб, собиқ ошиғига илтифот кўрсатяпти-ку!" Жамол тағин Муҳаббатнинг нигоҳларини излади. Лекин бу сафар чақмоқ унга ёрдамга келмади, шамол шовуллашини кучайтирди, холос. У қоронғу боққа кўзлари йиртилгудек тикилиб, илтижо қилди. — Кечир мени, Муҳаббат, кечир. Ҳамма айб ўзимда. Севгим, севгилим учун кураша олмадим... Зулмат қўйнидан нурдек бўлиб, юлатувчи, аллаловчи овоз келди. — Кечирим сўрашининг сира хожа тийи йўқ. Сиз айбдор эмасиз, тақдир тақозоси экан, Азал Мусаввири шундай амр этмиш... Жамолнинг дод деб юборгиси келди. Муҳаббатнинг сўзлари оғриқли, ширин азоб эди. — Муҳаббат, бу телба дунёда бутун умр Сени ва Ўзимни изладим, лекин тополмадим. Мен, гухроқ, Мутлак Севги, Мутлак Меҳр, ҳамда мутлак Вафо изладим... Ва ҳеч бирини

бераёзганимда, мана, бугун, шу сешшавқин, серёмғир тунда сени яна уч-радим... Айт, энди нима қилай? Бу мажруҳ, абгор кўнгли билан қайга борай?... Шамол дарахлар ораб, уларнинг ҳарир либосини силкитиб, ёмғир, гул-чечаклар ифорини атрофга сочди ва шунинг баробарида Муҳаббатнинг товуши эшитилди. — Йўқ, йўқ, ундай деманг! Ўзингизга тўхтам қилманг! Сиз бахтсиз одамга сира ўхшамайсиз... Буни чеҳрангиз айтиб турибди-ку... Сиз яхшисиз... Ҳаммадан яхши! Жамолнинг юрагини аччиқ бир дард сермаб ўтди. "Эҳ, Муҳаббат, Муҳаббат!.. У ҳамон мени аяйд. Наҳот, бахтли одамга ўхшасам. Йўқ, мутлақо! Мутлақо бахтлига ўхшамайман!.. Ҳа, дарвоқе, у қоронғуда кўзларимни кўрмайпти, шу боис мени бахтли санаётир. Кўзларимни кўрганида борми, бу гапларни сира айтмасди. Ахир, дунёи дунда менчалик бахтга интиқ ва лекин бахт кўрмаган, меҳрга ташна, лекин меҳр кўрмаган кимса бормикан?... Билмадим..." Жамолнинг кўнглида содир бўлаётган ашин-чақинлар табиатдагидан зиёда бўлса бор, кам эмасди. У ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, сўз қотди. — Сен, ҳар доимгидек, менга шафқат қилмасан, тўғрироғи, аялгансан. Аммо илтифотинг дардимни юз чандон оғирлаштиргусидир. Бу қалбадаги ярага туз селиш дегани эмасми, ахир?... Бирдан у жимиб қолиб, ўз-ўзини койиб бошлади. "Нега унга иддао қилмаман? Тақдир тўфонлари уни менадан кам қийнагани йўқ, аёл боши билан ҳаммасига чидаб, собиқ ошиғига илтифот кўрсатяпти-ку!" Жамол тағин Муҳаббатнинг нигоҳларини излади. Лекин бу сафар чақмоқ унга ёрдамга келмади, шамол шовуллашини кучайтирди, холос. У қоронғу боққа кўзлари йиртилгудек тикилиб, илтижо қилди. — Кечир мени, Муҳаббат, кечир. Ҳамма айб ўзимда. Севгим, севгилим учун кураша олмадим... Зулмат қўйнидан нурдек бўлиб, юлатувчи, аллаловчи овоз келди. — Кечирим сўрашининг сира хожа тийи йўқ. Сиз айбдор эмасиз, тақдир тақозоси экан, Азал Мусаввири шундай амр этмиш... Жамолнинг дод деб юборгиси келди. Муҳаббатнинг сўзлари оғриқли, ширин азоб эди. — Муҳаббат, бу телба дунёда бутун умр Сени ва Ўзимни изладим, лекин тополмадим. Мен, гухроқ, Мутлак Севги, Мутлак Меҳр, ҳамда мутлак Вафо изладим... Ва ҳеч бирини

тополмадим... Бу машғулотиш шох Сулаймон таъбири билан айтганда, шамолнинг кетидан қувиб, уни ушлашга интилган каби бесамар эканини англамабман. Мен сенинг кўзларингдаги сингари Хайрат, Меҳр, Муҳаббатни изладим, излайвердим. Аммо банди оқизга учрагани — таъма, риё, ҳасад, бағритошлик қилиб чиқди ва менга ҳеч нима бермади. Эзгу амалларим жуда қимматга тушди. Мен ҳозир энг кичик неварамнинг юзини кўргандагина ўзимни бир неча сония бахтли ҳис этаман, холос... Шoir айтганидай, "Нетай бир дам тугулмасман, елда ўтган умрим менинг, бир қатрасин ичолмасман, селда ўтган умрим менинг..." Муҳаббат секин "оҳ" тортди, унга қўшилиб, боғ, коинот, бутун борлиқ нола чекди. Бу нидо бесамар умр марсиеси, жуда ҳазин, маҳзун, шунинг баробарида ҳаётбахш дostonдек янгради. Зеро, ушбу дoston Покла-ниш, Муҳаббат Нидоси, Видоси ва ҳали ҳаёти олдинда бўлган ошиқлар учун Севги дарди, Ишқ дарси эди...

У эрта тонгда уйғонганида ҳаммаёқ сокин, осуда, кеча ярим тундаги қиймат қойимдан асар ҳам йўқ, уя қуриш илинжида жони ҳалак қалдир-ғочларнинг "вижир"-вижир"и қулқоққа чалинарди, холос. Жамол қўл-бетини ювгач, беқасам тўнини елкасига ташлаб, боққа чиқди. Баҳор тонгининг боғра сукунати қушлар хонишига омухта бўлиб, уни алдаган экан. Шафтолизор ўғри уриб кетган ҳовлига ўхшаб, абгор, афто-дахол қўйфада мунғайиб ётарди. Момоқалдиқроқ, чақмоқ, ёмғир шамол ўзининг қора ишини қилиб улгурган, маъсум, мунис шафтоли гуллари Биринчи Муҳаббат Мулки янглиғ горат этилганди. Кўлмақлар юзини қирмизи ёлқин қоплаган, гул барглари сув юзида худди ғоз патидек сузиб юрарди. "Эвоҳ, — афсус чекди у, — шу бе-қийёс гўзаллик бир кечада маҳв этилди-я! — Кўксиди симилаган оғриқ пайдо бўлди. Вужудини ададсиз соғинч, ўртаниш ҳисси чулғайди. Горат этилган боғдан кўз узиб, осмонга тикилди. Қўқда яна қора-қўқимтир булутлар пайдо бўлмоқда эди... У ўзи билиб-билмай, пичирлай бошлади. Энг яқин... олис йўл Биринчи муҳаббат йўлидир. Илк бўлгани боис, юракка жуда яқин, олислиги — аж-ралганиндан сўнғ, бутун умр етаол-майсан... Бизни ташлаб қайга кетди, ул қаро қошим менинг, Термулиб йўлига кўздан оқадир ёшим менинг...

Кутлов

Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси ва Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими жамоалари

юртимиъ ахлини, барга педагог ва тарбиячиларни қутлуғ сана
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин билан қизини қутлайди.



Жўнаҳон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган шарафли ва масъулиятли меҳнатинингизни юксак қадрлаб, самимий эътироф этамиъ.

Фидойилик ҳаётинингиз мазмунинга айланган Сиз азиз инсонларга ҳамиша таъзимдамиъ! Сизга-саломатлик, бахту омад ёр бўлсин!

Суратла: Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиб Тўхтамурод Жумаев набириси билан.

► Ҳа-ёт!

Ўтган йилнинг сентябрь ойлари эди. Ишхонада ўтирсам телефон жиринглаб қолди. Олсам бир қиз экан. Ўзини та-ништириб, рақамимни ҳамкасбларимдан олганини айтди.

Сўнгги пушаймон

— Бир маслаҳатингиз керак эди, — дея сўзини давом эттирди у. — Майли, кўлимдан келса бема-лол, — дедим. — Жияним бор, акамнинг қизи. 17 ёшда. Юраги хаста. Шифокорлар фақат жарроҳлик амалиёти ёрдам беради, дейишяпти. Сиз бир юрак жарроҳи ҳақида очерк ёзган экансиз. Жиянимни ўша шифокор-нинг кўриги ва маслаҳатига олиб бормоқчи эдик. — Жуда яхши ўйлабсизлар, — дедим. — Агар лозим бўлса мен ҳам бирга бораман. Имкон қадар маса-ланинг ижобий ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Қачон бормоқчи-сизлар? — Ҳозир эмас, — деди суҳбатдо-шим. — Акам тўнғич қизини унаш-тириб қўйган. Бир ойдан кейин тўй. Биласиз, тўйнинг ўзи бўлмайди. Ўзига яраша ташвишлари, сарф-ха-ражатлари бор. Мебель, сеп-сарпо олиш керак. Қув томоннинг талаб-ларини бажариш дегандек. Ҳамма-миз шу юмушлар билан бандмиз. — Жиянингизнинг ахволи тузуқ-ми? — сўрадим унинг гапидан хаф-салам пир бўлиб. — Анча яхши. Ўзи уч кун аввал касалхонадан олиб келдик. Муола-жаларни уйда давом эттиряпти. Тўй ўтсин, биров маблағ тўплагач, ўзим сизга яна кўнгирак қиламан, — деди қиз. Хайрлашдик. Негадир кўз ўнгим-да юзлари заъфарон, дарддан то-лиқиб қолган қизнинг маънос чеҳра-си намоён бўлди. Ҳаёт ташвишлари билан бўлиб бу гап-сўзларни унутиб ҳам юборибман. Яқинда телефон дафтарим чеккаси-даги рақам ёнига битилган "юраги хаста қизнинг аммаси" деган ёзувини ўқиб ўша суҳбат ёдимга тушди. Бе-ихтиёр рақамни тердим. Гўшақни ўша қиз олди. Ўзимни таништирдим. Жиянини суриштирдим. У негадир

анча пайт жим қолди. — Нима гап, тинчликми? — сўра-дим алланечук ваотириланиб. — Жияним икки ой аввал ҳаётдан кўз юмди, — деди у... ва йиғлаб юборди. — Нега, ахир, соғлиги яхши де-гандингиз-ку? — Биз ҳам гафлатда қолдик. Ав-валига тўй ўтишини кутдик. Тўйдан кейинги йиғинлару тадбирларни ўтказиб олайлик, дедик. Жияним-нинг эса ҳаёт шами сўниб бораётган-ини ҳам пайқабмиз. Тоби қочиб қолганида шифохонага олиб борсак, шифокорлар "аттанг, жуда кеч, фу-рсатни бой берибсизлар", дейишди. Шундан сўнғ ҳафта ўтиб у вафот этди. Унинг йиғи аралаш бу гапларни тинглар эканман бўғзимга нимадир тикилди. Гарчи нотаниш бўлса ҳам, кўрмаган бўлсам-да, бевақт ҳазон бўлган қизгинани ўйлаб менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. "Эҳ, сиз гофил бандалар. Ахир, тўй қутиб ту-рарди-ку. Инсон ҳаётини ҳал қила-диган, жисмига жон ато этиб турган юрак эса ҳеч қачон қутиб турмасли-гини наҳот билмас эдингиз?! Агар энг биринчи навбатда ҳеч қандай мол-дунёга ҳам топилаётган сал-оматликни ўйлаганингизда, бугун маъсума бир қиз орамизда бўлар, шоду хуррамликда ўн саккизинчи баҳорини қарши олар эди. Эҳ, ҳавойи орзу-ҳавас бандалари. Энди ўз вақтида қизгинанинг соғлиги ҳақида қайғурмаганингиз, бемаъни хою ҳавасларга андармон бўлиб, ҳамма маблағингиз ва фурсатингиз-ни куёвингиз "бахт йўли"га сарфла-ганингиз учун умр бўйи виждон азо-бида қийналмайсизми? Сўнгги пу-шаймондан эса ҳеч қандай фойда йўқ", дея ҳайқиргим келди. Лекин... Энди бундан бирор наф чикса қо-ши эди ...

Ҳидоят Жўраева.

► Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги

“Адабиёт — абадиёт демак. Биз ва биз каби ҳақиқатни муқаддас билиб, қалам тебратган барчамиз адабиёт шарофати ила абадиётга йўнараемиз. Бизнинг фарзандларимиз, улар бўлмаса, уларнинг фарзандлари ёнқи уларнинг ўғил-қизлари бўлсин, ёзгонларимизни ўқир эсалар, бизнинг қаламга олган ҳақиқатимиз яшайверур. Ҳақиқат яшар экан, биз ҳам яшайверамиз”.

У мангуликка дахлдор

Чинакам сўз санъаткори Абдулла Қодирий айни фикрларни билдирганида мутлақо ҳақ эди. Чунки бугун бу беназир адиб ёдимизда, у яратган асарлар эса ҳамон севиб ўқилаяпти. Демак, ёзувчи биз билан яшапти, шубҳа йўқки, у мангу ҳаёт бўлади.

Адабиётшунос олим Шухрат РИЗАЕВ бу ҳақда шундай фикрларни билдирди:

— Мустақиллигимиз туфайли Абдулла Қодирий номи ва хизматларини юзага чиқариш, тарихий адолатни тиклаш борасида жуда кўп саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Ёзувчи Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти ва Мустақиллик ордени билан мукофотланди.

Бу зот Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби халқпарвар маслакдошлари билан бирга отилиб, бежаножа кўмиб юборилган ташландиқ жойлар — Бўзсув бўйлари бугун мутлақо ўзгариб, у ерда “Шаҳидлар хотираси” майдони ва “Қатагон қўрбонлари хотираси” музейи барпо этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисида 2018 йил 3 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши қабул қилиниши яна



бир қувончли воқеа бўлди. Унда мазкур қутлуғ сана муносабати билан ўнлаб маънавий-маърифий тadbирлар, китоблар чоп этиш, фильмлар, спектакллар яратиш, музей ва ижодий мактаб, кутубхона қуриш билан боғлиқ хайрли ишлар назарда тутилган эди. Мана, бугун уларнинг бари аста-секин амалга ошмоқда. Абдулла Қодирий ижод мактабининг очилиши, уй музейининг ташкил этилиши бунинг ёрқин исботи.

Бундан деярли ярим йил аввал “Ўткан кунлар” романининг инглиз тилида нашр этилиши ҳам миллати-

миз, адабиётимиз тарихида муҳим воқеалик бўлди. Бу йил мазкур романининг илк боблари ёзила бошлаганига ролпа-роса 100 йил тўлади. Демак, бир асрки, ўзбек халқи ўз ҳаёти, XIX аср ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тарихи, жамият ва оилавий муносабатлар ўзининг теран бадиий ифодасини топган гўзал роман-ривоят билан ошнотир.

“Ўткан кунлар” асарини билмайдиган ўзбек йўқ десак, сира муболаға эмас. Ҳеч бўлмаганда атоқли кино-режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг 1969 йили экранларга чиққан “Ўткан кунлар” романи асосидаги бадиий фильмининг кўрмаган ўзбек йўқ десам фикрим янада ишончлироқ бўлади.

“Ўткан кунлар” романи 1919 йиллардан бошлаб янги адабиёт, янги бадииятга эҳтиёж айни етилган пайтларда китобхонларга ноёб тухфа бўлган эди. Орадан эллик йил ўтиб, инсоният кино, телевидение каби ҳодисалар туфайли мутолаага асосланган тафаккурий таассуротдан визуал тасаввурлар оламига дадил кириб бораётган паллада “Ўткан кунлар” бадиий фильми ўзбек хонадонларига маънавий зарурият бўлиб кирди ва фавқуллодда катта шухрат топди. Юсуфбек Ҳожи, Отабек, Қумуш, Ўзбекиюм, Мирзакарим қутидор, Ҳомид, Ҳасанали образлари буюк актёрлар қиёфасида жонланиб, томошабин кўз ўнгига жонли сиймоларга

айланди. Буларнинг бари пировардида “Ўткан кунлар”ни ўзбек халқининг маънавий қадриятига, Абдулла Қодирийни эса миллат қаҳрамонига айлантирди.

Мана энди орадан яна эллик йил, борини жамлаганда эса юз йил ўтиб, соф миллий романимизнинг инглизча таржимасининг дунё бўйлаб илк сафари бошланди.

Албатта, бу Қодирий ва унинг илк романини жаҳон адабиётсеварларига таништиришнинг дастлабки тажрибаси эмас. “Ўткан кунлар” “Тошкентлик ошиқлар” номи билан немис тилида (1968), рус, турк, уйғур каби дунёнинг ўнлаб тилларига таржима этилиб, китоб ҳолида чоп қилинган кўпчиликка яхши маълум. Дунёни “Ўткан кунлар” романи билан таништириш бу жаҳон халқларини ўзбеклар, уларнинг қалби, маданияти, тарихи билан таништириш деганидир. Бугун биз ана шу қутлуғ ҳодисанинг дунёга юз очаётганига шохид бўлиб турибмиз.

Камина ўзбек адабиёти ва санъатининг ошфатси, қолаверса, Абдулла Қодирий ижодининг муҳлиси сифатида ана шундай тарихий воқеалар ривожини учун, бу улўғ сиймо номи абадийлаштириш учун сидқидилдан хизмат қилаётган барча инсонларга ташаккур айтаман.

Озода БЕКМУРОВОВА
ёзиб олди.

Кутлов

“АГРОБАНК” АТБ ЖАМОАСИ

юртимизнинг барча ўқитувчи ва мураббийларини бугунги қутлуғ байрам — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан табриклайди.

Ўзининг меҳри,
қалб қўри, бутун
борлигини
келажакимиз эгалари
— ёш авлод тарбиясига
бахшида этган Сиз —
азиз устозларга узок
умр, бахт-саодат ҳамда
омад ҳамроҳ бўлсин.

Оилаларингизда
ҳамиша тинчлик ва
хотиржамлик,
дастурхонингиз қут-
баракали бўлишини
сидқидилдан тилаб
қоламиз.

Яна бир бор қутлуғ
айём муборак бўлсин,
азиз устозлар!

Эҳтиром

Зиё қалбинингни этмишдир Ватан

Икром ОТАМУРОД

...Муаллим, сиз — турфа дарслар олами,
Юрагида ихлос, хослар сирлашган.
Имлолар жадвали, сонлар кўлами,
Қадим ул асрорлар сизда бирлашган.
Рухий ва жуғрофий кенгликлар бари
Сизнинг қалбингизда намоён, яхлит.
Шуур майдонинг масалалари:
Дарак гап,
Ундов гап,
Сўроқ гап тахлит.
Муаллим, сиз — кабир,
Сиз — улўғ,
Лекин дилни муносиликка ошно этасиз.
Давралар тўрига ўтмайин, лекин
Қимтиниб қуйидан келиб, кетасиз.
Қалб қўрин берансиз дунёнинг шердай
От миниб, гўз урган нечаларига.
Ўзингиз хокисор юрасиз бирдай
Пиёда сабоқнинг кўчаларида.
Нури сийрож порлаган кўзингизда
Армонлар лим-лимдир, умидлар лим-лим.
Армонларни қолдириб ўзингизда,
Учургайсиз умидларни муаллим.
Маърифат чашмидин сув ичган фарахт —
Муруват сизга тан, меҳр сизга тан.
Илм туфроғида бўй тортган дарахт —
Зиё қалбингизни этмишдир Ватан.
Муаллим, сиз — турфа дарслар олами ...



Муаллим

Ғайрат МАЖИД

Ҳаёт китобининг аввали, боши,
Тоғлардан мустақкам сабру бардоши,
Сизга салом бўлсин, қалблар қуёши,
Сўзларнинг гулидан изҳори дилим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.
Сиздан ҳарф ўрганиб ўй-мақсад ҳосил,
Инсон инсон деган мақомга восил,
Ҳаёт сабоқларин олиб муттасил,
Сиздан баҳра олиб яшайди кўнглим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.
Гулларнинг номини билдик сиз сабаб,
Дилларнинг ҳолини билдик сиз сабаб,
Йўллар мақомини билдик сиз сабаб,
Оламни танитди сиз берган таълим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.
Навоий сўз ичра муҳтарам, мумтоз,
Ул зот шеър аҳлига беназир устоз,
Устозга кўрсатган эҳтиром, эъоз,
Бу мактаб меҳридан мунаввар йўлим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.
Бемор шифо истар Синодан ҳамон,
Ҳазрат Нақшбандан таралгай ирфон,
Юлдузлар илмида Улуғбек — султон,
Устозлар туфайли бўлгандир олим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.
Агар шогирд топса элда эътибор,
Ҳаммадан илгари сизсиз бахтиёр,
Ҳар дилнинг сизларга ташаккур бор,
Соғлиқ, умр тилаб ҳормайди тилим,
Эй азиз муаллим, азиз муаллим.

HURRIYAT

Бош муҳаррир

Абдурашул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган
хатлар доимий
эътиборимизда бўлади.
Мақтубларингизни
кутамыз.

Адади: 4005
Буюртма — V-3795

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Манъилими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиш: Ш.Убайдуллаева.

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмаси

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқиқотлар
учун — 233